

ЎЗБЕКИСТОН ВА ҚОЗОҒИСТОН ПРЕЗИДЕНТЛАРИ АМАЛИЙ ҲАМКОРЛИК МАСАЛАЛАРИНИ МУҲОКАМА ҚИЛДИЛАР

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 6 сентябрь кuni Қозоғистон Республикаси Президенти Қосим-Жомарт Тоқаев билан телефон орқали мулоқот қилди.

Сўхбат аввалида давлатимиз раҳбари Қозоғистон етакчисига Қўстанай вилоятидаги ўрмон ёнгинлари муносабати билан далда сўзларини билдирди ҳамда фавқулодда ҳолат оқибатларини бартараф этишда зарур ёрдам кўрсатишга тайёрлигини қайд этди.

Икки мамлакат Президентлари Ўзбекистон — Қозоғистон яхши кўшничилик, стратегик шериклик ва иттифоқчилик муносабатларини янада мустаҳкамлаш, икки томонлама ҳамкорликнинг устувор йўналишларида амалий шериклиكنи

кенгайтиришнинг долзарб масалаларини кўриб чиқдилар.

Савдо, sanoat, energetika, transport va logistika, qishloq xujaligi va iqtisodiyatning boshqa tarmoqlarida kooperatsiya loyihalari amalga oshirishga alohida ehtiyoj karatildi.

Minatqaviy masalalar yuzasidan ham fikr almashildi. Shu oйда Samarqand shaxrida utkaziladigan Shanxai hamkorlik tashkiloti sammitining kun tartibi muhokama qilindi.

ЎзА

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН ОРЗУСИ

Бугун дунёнинг ривожланган мамлакатларида давлат ва жамият бошқарувидан тортиб, барча соҳаларда замонавий ахборот технологиялари ҳамда сунъий интеллект имкониятларидан кенг фойдаланилмоқда. Бизда ҳам Учинчи Ренессанс пойдеворини қуришда ушбу мўъжизавий кашфиётнинг имкониятларидан фойдаланиш улкан самара бериши шубҳасиз. Дунё иқтисодиётида тўртинчи sanoat инкилоби ривожланиши даврида инсон капитали биринчи ўринга чиқди. Мамлакатимизнинг 35 миллиондан зиёд аҳолиси айнан шу инсон ресурси ҳисобланади ва қувонарлиси, уларнинг катта қисмини, яъни 60 фоизини ёшлар ташкил этади.



УЧИНЧИ РЕНЕССАНС ҲОДИСАСИ

ХАЛҚПАРВАР СИЁСАТ, ИҚТИДОРЛИ ЁШЛАР БИЛАН СОДИР БЎЛАДИ

Шу боис, Президентимиз Шавкат Мирзиёев ёшларга alohida ehtiyoj karatib, ularga keng imkoniyatlar yaratib bermoqda. Uz navbatida, ёшларимиз ҳам ўз салоҳиятини намойён қилиш ҳаракатида.

МАЪРИФИЙ УЙҒОНИШ — ДОЛЗАРБ МАСАЛА

Бугун Учинчи Ренессанс ҳодисаси ва тараққиётимизнинг ёшлар билан боғлиқ жиҳатларига тўхталар

эканмиз, бир нарсани унуттишга асло ҳаққимиз йўқ. Гап шундаки, ривожланишимиз учун бизга ҳалақит берадиган омиллар борлигини ҳам инкор қилмаймиз.

Давоми 3-бетда

МУНОСАБАТ

ОЗИҚ-ОВҚАТ ЗАХИРАСИНИ ШУ ХАЛҚ ЯРАТАДИ



Ер юзюда аҳоли сонининг камайишига нисбатан ортиб бориш тенденцияси доим юкорирок кечади. Халқаро экспертларнинг ёзишича, сайёрамизда яшовчи аҳоли сонининг 1 миллиард кишига етиши учун 200 минг йилдан кўпроқ вақт кетган бўлса, ушбу рақам 7 миллиардга етиши учун 200 йил керак бўлди, холос. Бу борадаги ўсиш кўрсаткичи сўнгги йилларда янада жадаллашди — шу йил август ойи ўрталарида дунё аҳолиси сони 8 миллиарддан ошди.

Бу мамлакатлар олди-га энг долзарб масалалардан бири булган озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш, маҳсулот ишлаб чиқариш ва етказиб беришнинг самарали усулларини қўллашни тақозо этмоқда. Қолаверса, жаҳонда иқлим ўзгариши, қургўқчилик натижасида нарх-навоининг ортиб бораётгани қишлоқ хўжалигини замонавий технологиялар асосида ривожлантириш талабини янада оширади.

Жорий йил 5 сентябрь кuni давлатимиз раҳбари раислигида асосий озиқ-овқат маҳсулотлари нархининг барқарорлигини таъминлаш ва захирасини яратиш чоратadbirlари бўйича ўтказилган видеоселектор йиғилишида ушбу масала худудлар

кесимида таҳлил қилиниб, ички имкониятлар кўрсатиб ўтилди. Озиқ-овқат етиштиришда қишлоқ хўжалиги ерларидан самарали фойдаланиш долзарб аҳамиятга эга. Биргина мисол, давлатимиз раҳбари топшириғи билан жорий йил бошида 80 минг гектар пахта ва ғалла майдонлари қисқартирилиб, маҳсулотлар етиштириш учун аҳолига ажратиб берилди. Бунинг натижасида 785 минг киши иш билан таъминланиб, 1 миллион 500 минг тонна қўшимча озиқ-овқат ҳосили олинди. Келгуси йилда яна қўшимча 100 минг гектар экин майдони аҳолига танлов асосида берилади.

Давоми 2-бетда

ДИЛ ИЗҲОРИ

ИШОНЧ ВА ҲАЁТДАН РОЗИЛИК ИФОДАСИ

Шу кунларда мамлакатимиз бўйлаб эл-юртимиз ҳаёти ва тақдирини туб бурилиш ясаган, том маънодаги буюк тарихий воқеа — Ватанимиз мустақиллигининг ўттиз бир йиллик байрами шуккухи давом этмоқда.



Давлатимиз раҳбари таъкидлаганидек, "Янги Ўзбекистон орзуси, бугунги кунларимизга нисбатан айтганда, ҳозирги даврнинг тақозоси, унинг асл қиёфасини, ҳаракатлантирувчи кучлари ва омилларини белгилайдиган гоёвий-маънавий асос, халқимизга хос яратувчанлик ши-

жоати ва кенг қўламли ислохотларимизнинг яққол ифодасидир".

Мустақиллик байрами муносабати билан Президент виртуал қабулхонаси ва Халқ қабулхоналарига юртдошларимиздан келаётган кўплаб табрик ва миннатдорлик мактубларида ҳам эл-юртимиз ҳаётидаги тарихий ўзгаришлар кенг эътироф этилаётгани, давлатимиз раҳбарининг мустақилликнинг ўттиз бир йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги нутқда баён қилинган фикрлар, хусусан, 2022-2026 йилларга мўлжалланган Тараққиёт стратегияси доирасида таълим, суд тизими, тадбиркорлик, соғлиқни сақлаш ва аҳолини тоза ичимлик сув билан таъминлаш борасида илгари сурилган янги гоё ва ташаббуслар фаол қўллаб-қувватланаётганини кузатиш мумкин.

Давоми 2-бетда

ИСЛОХОТ ОДИМЛАРИ

ЭКОЛОГИК БАРҚАРОРЛИК ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН ТАРАҚҚИЁТИНИНГ МУҲИМ ОМИЛИ

Ўзбекистоннинг жаҳон саҳнасидаги нуфузи тобора ошиб бораётгани халқаро ҳамжамият томонидан ҳам муносабат эътироф этилмоқда. Бу мамлакатимизда олиб борилаётган оқилонга, тинчликсевар, конструктив сиёсат натижасидир.

Албатта, бундай ўзгариш ва ютуқлар одамларнинг яшашга бўлган иштиёқи ортишига, мамлакатимизнинг фаровон келажагига ишончи янада мустаҳкамланишига хизмат қилади.



Давоми 5-бетда

Элчи Дилшод АҲАТОВ:

“ЎЗБЕКИСТОН ШХТНИНГ ЯНГИ РИВОЖЛАНИШ ШАРОИТИДАГИ САЛОҲИЯТИДАН ТЎЛИҚ ФОЙДАЛАНИШДАН МАНФААТДОР”

ШХТнинг Самарқанд саммити арафасида Ҳиндистоннинг The Print электрон нашри Ўзбекистон элчиси билан интервью эълон қилди.

Ўзбекистоннинг Ҳиндистондаги элчиси Дилшод Аҳатов The Print нашрига берган интервьюсида Тошкент нафақат ШХТни кенгайтириш, балки унинг тўла салоҳиятини рўёбга чиқаришни таъминлашини таъкидлади.



— Ўзбекистонда бўлиб ўтадиган Шанхай ҳамкорлик ташкilotи давлат раҳбарларининг бўлажак саммити на-

фақат кўп томонлама ташкilotнинг кенгайтириши, балки Евроосиё минтақасининг янги стратегик йўналишга эга

булишини таъминлайди, — деб қайд этди элчи.

Ўзбекистон элчиси The Print нашрига берган интервьюсида Тошкент дунёда жиддий геосиёсий ўзгаришлар рўй бераётган бўлса-да, "ШХТнинг тўлиқ салоҳиятидан" фойдаланишга интилаётганини урғулади.

"Ўзбекистон, аввало, барча иштирокчи мамлакатларнинг ҳаётий манфаатларига жавоб берадиган истиқболли йўналишларда амалий ҳамкорлигини кенгайтириш орқали ўз эволюциясининг янги шароитида ташкilot салоҳиятидан тўлиқ фойдаланишдан манфаатдор", деди Дилшод Аҳатов.

Давоми 2-бетда

МУНОСАБАТ

ОЗИҚ-ОВҚАТ ЗАХИРАСИНИ ШУ ХАЛҚ ЯРАТАДИ

Фахриддин СУЮНОВ, Фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгаши бўлим бошлиғи

Бошланғичи 1-бетда

Ҳозир озиқ-овқат етиштиришда нафақат қишлоқ хўжалиги ерлари, балки аҳоли томорқалари ҳам муҳим локомитивга айланиб бормоқда. Одамлар томорқадан фақат ўз эhtiёжлари учун маҳсулот етиштиришда эмас, қўшимча даромад манбаи сифатида фойдаланмоқда. Шу боис, йилгилида томорқачиликни ривожлантириш борасидаги ишлар ҳам кўриб чиқилди.

НАТИЖАДОРЛИК ҚАНДАЙ?

Сўнгги йилларда ушбу тизимни ривожлантириш ҳисобига асосий қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг катта қисми аҳоли томорқаларида етиштирилмоқда. Бунинг учун одамларга зарур шароитлар яратилляпти. Бугунги кунда аҳоли ихтиёрида 509 минг гектар томорқа мавжуд. 60 дан ортиқ туманда аҳоли ўз томорқасидан йилга 3 марта ҳосил олмақда. Ҳосил яхши бўлса, битта оила 60-100 миллион сўмгача даромад қилиши мумкин. Бу ҳам рўзгорга барака, ҳам ички бозорга қўшимча маҳсулот кирди, дегани.

Томорқалардан самарали фойдаланиш, ҳар бир маҳалланинг турроқ-иклим шароитини инобатга олган ҳолда экин жойлаштириш, йилга 2-3 марта ҳосил олиш орқали мамлакат озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш тармоқдаги ислохотларнинг асосий мақсадларидан биридир. Шунга мос равишда ҳар бир ҳудудда томорқадан самарали фойдаланиш чоралари кўриляпти. Натижада юртимизда етиштирилаётган картошканинг 84 фоизи, сабзавотнинг 71 фоизи, помидор, узум ва меваларнинг 55-60 фоизи, чорвачилик маҳсулотларининг 94 фоиздан ортиғи аҳоли томорқалари ҳиссасига тўри келмоқда.

Бу борадаги самарадорлик йилдан-йилга ошиб бораётгани қувонарли, албатта. Аҳоли томорқаларидан самарали фойдаланишни таъминлаш эhtiёжлари шундай кўламга ҳам кенгайган. Биргина 2022 йилда қишлоқ хўжалиги экинларини экиш бўйича ишлаб чиқилган ҳудудий дастурларга кўра, аҳоли томорқасининг 97 минг



гектариди турли мевали дарахтлардан ҳосил олинаётган бўлса, 198 минг гектар майдонга тўқсонбости сабзавот экинлари, 384 минг гектарга баҳорги ва 309 минг гектарга такрорий экин экилиб, томорқа ер майдонларидан фойдаланиш самарадорлиги ошмоқда.

МИРИШКОРЛАР ТАЖРИБАСИ

Юртимизда "бир маҳалла — бир маҳсулот" тамойили асосида томорқадан йилга бир неча марта маҳсулот етиштириш ҳам оммалашмоқда. Жорий йилда шундай маҳаллалар сонини 4 минг 109 тага етказиш бўйича манзилли рўйхат шакллантирилган. Ҳозиргача 3 минг 51 та маҳалла муайян турдаги маҳсулот етиштиришга ихтисослаштирилди. Жумладан, Фарғона туманидаги 5 та маҳалла малиначиликка, Андижон вилояти Асака туманидаги 10 та маҳалла иссиқхонада сабзавот етиштиришга, Сурхондарё вилояти Шеробод туманидаги 15 та маҳалла анорчиликка, Самарқанд вилояти Пахтачи туманидаги 18 та маҳалла иссиқхоначиликка, Бухоро вилояти Ромитан туманидаги 12 та маҳалла мева-сабзавотчиликка йўналтирилди. Тошкент вилояти Бекобод туманидаги Маллабой маҳалласида 450 дан ортиқ хонадон иссиқхонада бақлажон ва булғор қалампир етиштирилмоқда.

Мамлакатимизда томорқадан икки ва уч мартагача ҳосил олиш бўйича ўзига хос мактаб яратган туманлар сонини ҳам тобора ортиб бораёти. Айниқса, Андижон, Бухоро, Хоразм вилоятлари ердан самарали фойдаланиб, уч мартагача ҳосил олиш ҳисобига ички бозорни озиқ-овқат билан таъминлаш борабарига, экспорт кўрсаткичларини 1,5 бараварга оширишга эришди.

Урганч туманида яшовчи Ҳасанбой Отажонов 12 сотих томорқасидан 60-65 миллион сўм даромад кураётган миришкорлардан. Тажирибали деҳқон хонадониди йилга уч марта сабзавот етиштиришни йўлга қўйган. Мавсумга қараб помидор, бодринг ва кўкатлар экади, ерни бўш қолдирмайди. Шунинг ортидан йил давомида бир рўзгорга етгулик даромади бор.

Самарқанд вилояти Оқдарё туманида яшовчи Фазилатхон Нарзуллаева ҳам 12 сотих томорқасидан самарали фойдаланади. Майдоннинг икки сотихидаги иссиқхонада узлуксиз сабзавот етиштирилса, қолган бўш жойда чорва моллари, 60 хонаки парранда парваришланади. Аёл меҳнати ортидан 65-70 миллион сўм даромад топтомоқда.

Оптикарилик Исоқжон Бойматов ҳам тажирибали миришкорлардан. Фарғона аҳлига хос узум етиштириш аниъанаси унинг хонадониди ҳам йўлга қўйилган. Деҳқон 16 сотих томорқасида экилган турли узум навлиридан 8-9 тонна ҳосил олади.

Куз ойларида эса кичик узумзорига тўқсонбости саримсоқлиёз ва кўкатлар экиб, эрта баҳорда 1,5 минг тонна маҳсулот олишни йўлга қўйган. Биргина томорқадан хонадон эгаларининг йиллик 75-80 миллион сўм даромади бор.

ЗАМОНГА ХОС ВА МОС

Бугун ҳар қандай соҳа каби томорқачиликни ҳам илғор технологияларсиз тасаввур этиш қийин. Томорқа ер эгалари ва кооперацияларни маҳсулот ишлаб чиқаришининг янги технологияларига ўргатиш мақсадида жорий йил январь-май ойларида барча вилоятларда 4 мингдан ортиқ томорқачи учун қисқа муддатли амалий ўқув машғулоти ўтказилди. 120 мингдан зиёд томорқачининг билли ва кўникмалари оширилди.

Худудларда яхши тажирибага эга, бошқаларга намуна бўла оладиган етакчи тадбиркорларни аниқлаш йўлга қўйилди. Бугунга қадар деҳқончилик ва боғдорчиликка ихтисослашган 2,5 мингта маҳалланин ҳар бирида "етақчи" тадбиркорлар аниқланиб, уларга 165 минг аҳоли хонадонни кооперация усулида бириктирилди. Кооперация тизими орқали 205,6 минг ҳамда хонадонларда чорвачилик, паррандачилик, балкичилик, асаларичиликни ривожлантириш орқали 150 мингдан ортиқ кишининг бандлиги таъминланди.

Томорқачилик аҳоли бандлигини таъминлашда катта имкониятларга эга. Ушбу тармоқда жорий йил 400 минг кишининг доимий ва мавсумий бандлигини таъминлаш чоралари белгиланган. Биргина жорий йилнинг биринчи чорагида томорқа хўжаликлариди 301 минг фуқаро ўзини ўзи банд қилганлар қаторидан жой олди.

Умуман, бугун томорқачилик мамлакатимизда нафақат аҳолини иш билан банд қилиш ва яхши даромад манбаи, балки озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш, бозорларда нархлар барқарорлигини сақлашнинг самарали механизмига айланди. Ушбу тармоққа берилаятган имтиёзлар эса одамларнинг томорқадан янада унумли фойдаланиши, бу борада янги технологияларни ўрганишга қизиқишини оширяпти. Натижада тажирибали томорқачилар сафи кенгайиб, хонадонларда етиштирилаётган сифатли маҳсулотлар ҳам ички, ҳам ташқи бозорда ўз ўрнини топтомоқда.

Элчи Дилшод АҲАТОВ:

“ЎЗБЕКИСТОН ШҲТНИНГ ЯНГИ РИВОЖЛАНИШ ШАРОИТИДАГИ САЛОҲИЯТИДАН ТЎЛИҚ ФОЙДАЛАНИШДАН МАНФААТДОР”



Бошланғичи 1-бетда

Жорий йил ШҲТ саммити 15-16 сентябрь кунлари Самарқанд шаҳрида ўтказилиши режалаштирилган. Унда Бош вазир Нарендра Моди Хитой Раиси Си Цзиньпин, Россия Президенти Владимир Путин ва бошқа қатор давлатлар етакчилари билан бирга иштирок этади.

“Шанхай ҳамкорлик ташкилотига аъзо давлатлар ташкилотиди жадал ўзгаришлар шароитида ШҲТга ҳозир ҳар қачонгидан ҳам талаб катта. Бунинг сабаби шундаки, энди барча аъзо давлатлар ушбу кўп томонлама платформанин очик, прагматик, кенг асосланган ва ўзаро манфаатли ҳамкорликни амалга оширишга қаратилишини истайдил”, дея таъкидлади Ўзбекистон элчиси.

Унинг сўзларига кўра, бу йил ШҲТ саммити Евроосиё минтақасига катта “стратегик ўлчам” беришга, шу билан бирга, янги хавфсизлик тартибини белгилашга қаратилган.

“ШҲТ ўзининг амалий иқросини кутаётган улкан транспорт ва транзит салоҳиятига эга. Глобал таъминот занжирларини диверсификациялаш шароитида Евроосиёда Шарқ-Фарб ва Шимол-Жануб йўналишларида янги халқаро темир йўл ва автомобиль йўлакларини яратиш стратегик ўлчам касб этади”, деди у.

“Дунёда ишонсизлик ва антагонистик ҳиссиётларнинг кучайиши шароитида ШҲТнинг долзарблиги тобора ортиб бормоқда. Эндиликда Евроосиёда ўзаро тушуниш ва ҳамкорлик руҳи мавжуд”, дея қўшимча қилди дипломат.

Жорий йилги саммит якунида Ҳиндистон ШҲТга 2022 йил сентябридан 2023 йил сентябригача қадар бир йилга раисликни қабул қилади. Ҳиндистон 2023 йилда ШҲТнинг навбатдаги саммитига мезбон бўлади.

ЭРОН ШҲТНИНГ ЯНГИ АЪЗОСИ БЎЛАДИ

Элчи Дилшод Ахатов ушбу саммитда Эрон ШҲТнинг янги доимий аъзоси сифатида таништирилишини тасдиқлади. Ҳозирги кунда ШҲТ таркибига саккиз давлат — Хитой, Қозғистон,

Қирғизистон, Россия, Тожикистон, Ўзбекистон, Ҳиндистон ва Покистон кирди.

“Саммит кун тартибиди асосий масалалардан бири ШҲТни янада кенгайтириш ҳисобланади. Эрон Ислон Республикасининг ШҲТга аъзо давлат макomini олиш мажбуриятлари тўғрисидаги меморандум имзоланишга апликацион тайёр. Бу ҳужжат Яқин Шарқнинг ушбу йирик мамлакатининг ташкилотимизга тўлиқ аъзо бўлишига асос бўлади”, деди Д.Ахатов журналистларга.

Унинг қўшимча қилишича, ШҲТ фаолиятида тўлақонли аъзо, кузатуви ва мулоқот бўйича шерик макомиди иштирок этиш учун яна 10 га яқин мамлакатдан аризалар ҳам кўриб чиқилади.

“Ўзбекистон раислигида ўтадиган саммит алоҳида аҳамиятга эга бўлиб, барча мамлакатларга минтақавий ва глобал кун тартибиди қатор долзарб масалаларни муҳокама қилиш учун ўз вақтида ва самарали платформани тақдими этади ва шу билан унинг ривожланишида янги босқич очади”, деди дипломат.

“АФҒОНИСТОН МИНТАҚАВИЙ ЖАРАЁНЛАРГА ЖАЛБ ЭТИЛИШИ КЕРАК”

Июль ойида Ўзбекистон Афғонистон бўйича иккита муҳим учрашув ўтказди. “Афғонистон минтақада узоқ муддатли хавфсизлик ва барқарорлиқни таъминлашнинг асосий омилли эканига асло шубҳа йўқ”, деди Ўзбекистон элчиси. У куйдагиларни таъкидлади: “Афғон халқининг фожиясини ҳисобга олсақ, агар давлат гуманитар фалокат билан яккама-якка қолса, бу қочқорларнинг янги оқимиға, гиёҳвандлик таҳдидининг ошишиға ва терроризмининг кучайишиға олиб келиши мумкин”.

Бундан ташқари, мамлакатлар толиблар билан ўзаро алоқа қилмаса, Афғонистон “Евроосиёнинг қоқ марказида беқарорлик ўчоғи”га айланиши мумкинлигиға ҳам ишора қилди дипломат.

“ШҲТга аъзо ҳеч бир давлат Евроосиё марказидаги беқарорлик ўчоғини ва қўшни давлатлар хавфсизлигиға, Афғонистон ҳудудидан келиб чиқishi мумкин бўлган таҳдидларни эътиборсиз қолдиришдан манфаатдор эмас. Бугунги воқелик ШҲТдан янада аниқ харақатларни бажаришни ва Афғонистонни минтақавий ташаббусларға, шу жумладан, инфра-тузилма лойиҳаларига жалб қилишни талаб қилади”, дея таъкидлади у.

Унинг мухтасар қилишича, Афғонистоннинг урушдан кейинги ривожланиш стратегиясига нисбатан “ШҲТ доирасида консолидациялашган ёндашувларни ишлаб чиқishi илгари суриш Ўзбекистон раислигининг муҳим устувор йўналишларидан бири бўлди”.

“Дунё” АА Дехли

ДИЛ ИЗҲОРИ

ИШОНЧ ВА ҲАЁТДАН РОЗИЛИК ИФОДАСИ

Бошланғичи 1-бетда

Қорақалпоғистоннинг Нукус шаҳар Қизилқум маҳалласида яшовчи Гулжан Давлатмуратовна, Наупир маҳалласида истикомат қилувчи Маҳмудбой Райимов, Жекетерек маҳалласида яшовчи Гулжаҳон Жамолова, Хўжайли тумани Байтерек маҳалласидан Гулайим Сметуллаева, Хўжайли тумани “Саманкўл” овул фуқаролар йиғинида яшовчи Нуррадин Розимов, Бўзатовнинг “Бўзатов” шаҳарча фуқаролар йиғинида истикомат қилувчи Нурсултан Жантлеов, Тўрткўл тумани “Шўраҳон” овул фуқаролар йиғинидан Эгамберди Ражабов, Тахтатум тумани Шамчиқоқ маҳалласида яшовчи Майрамбай Жумағалиев каби юртдошларимиз мактубларида давлатимиз раҳбари Оролбўйи ҳудудини ҳар томонлама ривожлантиришга доимий эътибор қаратаётгани, дастурлар доирасида овул ва маҳаллалар чирой оцаётгани, сув таъминоти, мактабгача таълим қамрови даражаси ошаётгани таъкидланади. Яқинда ҳудуд аҳолиси учун қўшимча имтиёз ва енгилликлар берилганини Президентимизга самимий миннатдорлик билдирилади.

Нукуслик Гулжаҳон Жамолова йўлланган мактубда: “Бу йил бизнинг Жекетерек маҳалламиз ҳам таниб бўлмас даражада ўзгариб кетди: йўлларимиз таъмирланди, асфальтланди, неча йиллик орузимиз ушалди, хонадонимизга ичимлик сув тармоғи тортиб берилди. “Ёшлар дафтари”даги фарзандларимиз сафарбарлик чақирув резервида хизмат қилиш учун тўловлар тўлаб берилди. Ишсиз қизларимизга эса ушбу йилда ишлаб даромад топиши учун тикув машиналари тарқатилди, кредитлар берилмоқда ва буларнинг бар-

“АГАР СИЗ ШУНДАЙ ИНСОНПАРВАР, ХАЛҚЧИЛ СИЁСАТНИ ЙЎЛГА ҚЎЙМАГАННИГИЗДА, БИЛМАДИМ, БИЗ ҚАЧОН УЙЛИ БЎЛАР ЭДИК? БУ ЯХШИЛИК УЧУН ТОАБАД ДУОДАМИЗ, ФАРЗАНДЛАРИМИНИ ЭЛ-ЮРТ ХИЗМАТИГА ЯРАЙДИГАН ИНСОНЛАР ҚИЛИБ ТАРБИЯЛАЙМАН”, ДЕЙИЛАДИ САМАРҚАНД ШАҲРИ НУРЛИ КЕЛАЖАК МАҲАЛЛАСИДА ЯШОВЧИ ГЎЛНОЗА МАМЕДОВА ЙЎЛЛАГАН МАКТУБДА.



часи учун Сизга катта раҳмат, муҳтарам Президентимиз! деб таъкидланган. Тахтатумлик Майрамбой Жумағалиевнинг хатида “Президент виртуал қабулхонасига мурожаатимиздан сўнча давлатимиз энг катта ҳимоячимиз эканини яна бир марта англадик, ишдан бўшатишмоқчи эди, энди барчаси жойиға тушди, Президентимиз адолати билан ўз иш ўрнинимизни сақлаб қолди, ҳаммаси учун давлатимиздан миннатдоримиз”, дейилади.

Ҳақиқатан, давлатимиз раҳбарининг байрам нутқида қайд этилганидек, ўтган даврда “Халқ давлат идораларига эмас, давлат идоралари халқимизга хизмат қилиши керак” деган тамойил барча бўғиндаги раҳбарлар учун фаолият дастурига

айлангани, вазир ва ҳокимлар, депутат ва сенаторлар, раҳбар ва мутасаддилар, буюқ шоиримиз Чўлпон айтганидек, халқ ичига кириб, халқдан куч олиб, янги ёндашув асосида халқимизга хизмат қилаётгани демократик ислохотлар натижадорлигини таъминлашда энг муҳим ва ҳал қилувчи омил бўлмоқда.

Виртуал қабулхона ва Халқ қабулхоналарига ҳар кунни келиб тушаётган юзлаб миннатдорлик хатларида ҳам “мен билан учрашишди”, “мени тинлашди”, “муаммомни жойида ҳал қилишди” каби ибораларга тез-тез ҳур келимиз. Масалан, Тошкент шаҳри Чилонзор тумани “Бектўпи” маҳалла фуқаролар йиғини Бектўпи кўчаси 2-уйда яшовчи Заҳро Ёқубова доимий дори-дармон билан

таъминланаётгани, Олмазор тумани Чигатой дарвоза маҳалласидан Ринат Агьямов давлатимизнинг катта ёрдами билан оғир хасталикни енгиб ўтиб, яна соғлом ҳаётга қайтганини баён этади.

Яккасарой тумани Армуғон маҳалласида истикомат қилувчи 2-гурух ногирони Василий Ивахенко маҳалла вакиллари унинг ҳолидан доимий хабар олиб, кўмак кўрсатиб келаётгани, Яккасарой тумани Тўқимачи маҳалласидан пенсионер Галина Жукова сифатли тиббий хизмат кўрсатилаётгани, Тошкент вилояти Юқори Чирчиқ тумани Баҳор маҳалласидан Евдокия Ивкина ҳуқуқ ва манфаатлари ҳимоя қилиниб, қонун ва адолат устуворлиги таъминланганидан мамнун эканини изҳор этади.

Мактубларда, шунингдек, аҳолини ижтимоий ҳимоялаш, хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш, айниқса, эҳтиёжман оилаларни уй-жой билан таъминлаш борасидаги ишлар алоҳида қайд этилади.

“Муҳтарам Шавкат Миромонович! Тўрт фарзандим билан 13 йил ижарада кун кечирдим. Давлатимиз бизни ҳеч қачон ўз ҳолимизга ташлаб қўймади. Ҳар доим ҳолимиздан хабар олиб турди. Мана, яқинда бизга ижтимоий уй ажратилди. Бу уйнинг ҳар бир қарчи биз учун азиз, қадрли. Халқимизнинг “Уз уйим — ўлан тўшагим”, деган мақоли магзини энди тушуниб етаётгандекимиз. Агар Сиз шундай инсонпарвар, халқчил сиёсатни йўлга қўймаганингизда, билмадим, биз қачон уйли бўлар эдик? Бу яхшилик учун тоабад дуодамиз, фарзандларимни эл-юрт хизматиға ярайдиган инсонлар қилиб тарбиялайман”, дейилади Самарқанд шаҳри Нурили келажак маҳалласида яшовчи Гулноза Мамедова йўллаган мактубда.

Хоразмлик бир гуруҳ юртдошларимиз мактубиди вилоят туманлари маркази, юзга яқин қишлоқ ва маҳалла обод қилинган, “Очиқ осмон остидаги музей” номини олган Хива шаҳрига темир йўл етиб боргани, янги вокзал ишга туширилгани, тезуор поезд Шивага олиб келинаётгани, Урганч шаҳрида Ал-Хоразмий шаҳарчаси қурилиши бошлангани ҳақида сўз юритилди. Айниқса, эл-юрт озодлиги йўлида курашган буюқ аждодимиз Жалолиддин Манғуберди хотирасига бағишлик Урганч шаҳрида мухташам ёдгорлик мажмуаси бунёд этилгани

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Халқ қабулхонаси

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН ОРЗУСИ

УЧИНЧИ РЕНЕССАНС ҲОДИСАСИ

ХАЛҚПАРВАР СИЁСАТ, ИҚТИДОРЛИ ЁШЛАР БИЛАН СОДИР БЎЛАДИ



Азиз ОТАБЕКОВ,
Рақамли технологиялар ва сунъий интеллектни ривожлантириш илмий-тадқиқот институти директори

тараклий этмоқда. Бу даврда дунёда бўлаётган ўзгаришларга ҳамоҳанг ривожланиш талаб этилади. Бундай ёндашув билан қурилаётган Учинчи Ренессанс пойдевори янада мустақкам бўлиши шубҳасиз.

СОҲА ЗАМОНАВИЙ КАДРЛАР БИЛАН РИВОЖЛАНАДИ

Президентимизнинг 2021 йил 17 февралдаги "Сунъий интеллект технологияларини жадал жорий этиш учун шарт-шароитлар яратиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қароридан сунъий интел-

“ ДАВЛАТИМИЗ РАҲБАРИ ТАСДИҚЛАБ БЕРГАН ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОННИНГ ТАРАҚҚИЁТ СТРАТЕГИЯСИ НЕГИЗИДА "ИНСОН КАДРИ УЧУН" ТАМОЙИЛИ ТУРИБДИ. БУ ХАЛҚПАРВАР ИСЛОҲОТ БИЗНИНГ СОҲАМИЗГА ҲАМ БЕВОСИТА ИЖОБИЙ ТАЪСИР КЎРСАТАДИ. БОИСИ, СУНЪИЙ ИНТЕЛЛЕКТ СОҲАСИДАГИ КАДРЛАРДА ИНТЕЛЛЕКТУАЛ САЛОҲИЯТ БЎЛИШИ КЕРАК, УНИ ЁШЛАРДА РИВОЖЛАНТИРИШИМИЗ ШАРТ. БУНДА ШАРОИТ ВА ИМКОНИАТНИНГ МУҲИМ ЎРНИ БОР.

Бошланиши 1-бетда

Муҳими, Янги Ўзбекистон тарихида улар бирма-бир бартараф этилмоқда. Шундан келиб чиқиб айтиш жоизки, бизга ҳалақат берадиган ягона омил — ўзимиз.

Биз олий таълим муассасаларида таҳсил олаётган, илмий ишлар қилаётган ёшлар билан кўп суҳбатлашамиз. Шунда уларнинг нақадар салоҳиятли, тарбияли, закий, меҳнатқашлига гувоҳ бўламиз. Таскин топганимиз — Ўзбекистон халқи мана шундай қудратли инсон капиталига эга. Агар ўз устимизда ишласак, дангасалик иллатини бир четга суриб, бутун эътиборимизни фақат олий мақсадлар сари қаратсак, ана шу мақсадга етакловчи барча вазифаларни бажариб борсак, ҳеч қандай омил, ҳеч қандай муаммо бизга тўсқинлик қилолмайди. Шунинг учун ҳар куни ўзимизни такомиллаштириб боришимиз мақсадга мувофиқ.

Президентимиз зиммамизга катта вазифаларни қўйяпти, ечимини кўрсатяпти. Айнан ёшлар учун бир-бирдан аъло ғояларни илгари сурияпти. Ташаббуслар кутияпти. Шунга яраша шароит ва имкониятлар яратилапти. Биздан талаб қилинадигани — меҳнат. Эзгу мақсад атрофида бирлашиш, ҳаракат қилиш ҳар қандай тўсқинчи олдимишдан кўради. Зеро, маърифий уйғониш ҳодисаси айни пайтда икки қарра муҳим ва долзарб масаладир.



Янги Ўзбекистонда Учинчи Ренессанс пойдеворини барпо этиш даври тақдир тақозоси билан дунёда туртинчи санат инқилоби ривожланиши даврига тўғри келяпти. Кенг қўламдаги компьютер автоматизацияси ҳамда туртинчи санат инқилобида муҳим ўрин эгаллайдиган йўналиш, бу — сунъий интеллект технологияларининг кенг татбиқи этилиши. Демак, Учинчи Ренессанс пойдеворини барпо этишимиз, албатта, у замон талабига мос бўлиши зарур. Шунда бу ғоя амалда ўзининг самарали ифодасини топади ва давлатимиз раҳбари олдимишга қўйган вазифаларга, улкан марраларга эришишга имконият бўлади. Бу йўлда биз дунёда бўлаётган ўзгаришларни инобатга олиб, орда қолмасдан, туртинчи санат инқилоби бўладими, бошқа ўзгаришлар бўладими, барчасини ўз вақтида жиҳдий эътиборга олишимиз керак.

Яна бир муҳим жиҳат, аввалги санат инқилобларининг барчаси аста-секин, кетма-кетлик билан ривожланиб келган. Бундан фарқли ўлароқ, туртинчи санат инқилоби, математиклар тилида ифодаласак, экспоненциал равишда ривожланилади. Оқддий тилда айтадиган бўлсак, жуда кескин

пилот лойиҳаларида, пилот лойиҳалар доирасида ўз кўникмаларини амалда қўллаб кўради ва ундан муваффақиятли ўтсагина етук кадрлар тайёрлади, деб баралла айта оламиз.

Сунъий интеллект технологиялари ўз-ўзидан пайдо бўлиб қолмайди. Ҳозирда сунъий интеллект технологиялари, асосан, фарб мамлакатларидан кириб келяпти. Ҳеч қимга сир эмас, сунъий интеллект технологиялари энг фаол ривожланган мамлакат АҚШ ҳисобланади. У ерда сунъий интеллект соҳасида фундаментал тадқиқотлардан бошлаб, ушбу ихтироларни амалда қўллашга чамбарчас йўлга қўйилган. Демак, инглиз тилида бошқа тилларга нисбатан бу соҳада билим, тажриба ва маълумотлар кўп. Шу сабабдан, бу соҳани, бу технологияларни ўрганаётганда, биринчи ўринда инглиз тилида ўрганиш керак. Агарда инглиз тили билими бошланғич даражада бўлса, шу технологияларни ўрганиш орқали инглиз тили кўникмалари ҳам бир вақтда ривожланиб келади. Шунда ўрганувчи ҳам амалий тил кўникмасига эга бўлади, ҳам вақтдан ютқазмайди. Агар инглиз тилини билмайман, аввал инглиз тилини ўрганиб олай, кейин соҳани ўрганишга киришаман дейилса,



амалиётда асп кўникма ҳосил бўлмаслиги мумкин. Шундай экан, ёшларимиз тадқиқотлар доирасида шу тилни ўрганишга ҳаракат қилиши зарур.

ЎЗБЕКИСТОНДА СОҲА ТАРАҚҚИЁТИ: ТАДҚИҚОТЛАР, КАШФИЁТЛАР ОСТОНАСИДА

Компьютер технологиялари ҳаётимизга кириб келгандан буён инсоният улар билан мулоқот қилишга боғланиб қолди. Компьютер билан муносабатларда унга кирувчи маълумот берамиз, ундан чиқадиган жавобни асос сифатида қабул қиламиз. Барчага яхши маълум, кирувчи ва чиқувчи маълумотларни шакллантирувчи жиҳозлар, бу — клавиатура ва "сичқонча". Компьютердан чиқувчи маълумот асосан экран ва овоз чиқарувчи қурилмаларда намоян бўлади.

Сунъий интеллект технологиялари ривожланиши натижасида компьютер билан она тилимизда мулоқот қилиш имконияти пайдо бўлди. Янгилик эмас, кўплаб мобиль қурилмаларда Apple компаниясининг Siri ёрдамчиси бўладими, Google компаниясининг Android платформасидаги Ok Google ечим бўладими, Алиса ёки Алекса бўладими, буларнинг бари сунъий интеллект технологиялари асосида яратилган. Шундай экан, биз бу технологияларни ўзбек тилида қўллаш масаласини ўртага ташладик.

Таҳлил қиладиган бўлсак, жуда кўп фойдаси бор. Масалан, имконияти чекланган ёшларимизнинг айримлари эшитмайди, гапира олмайди, демак, ўқий олиш имконияти ҳам чекланган. Бу тоифадаги ёшларимизнинг таълим жараёнини қандай ташкиллаштираемиз? Бунда овозли ёрдамчилар орқали ўзбек тилида сўзлашувчи сунъий интеллект яратиш, шу ечимлар асосида инклюзив таълимни йўлга қўйишимиз мумкин.

Умуман олганда, ёшларимиз ҳозирда телефон ва гаджетлар орқали кўп маълумотларга эга бўлиб ривожланмоқда. Шунинг эътиборига олинган ҳолда, ўзбек тилида мулоқот қиладиган овозли ёрдамчиларни ишлаб чиқсак ва фарзандларимиз телефон орқали ўзбек тилида мулоқот қилиш имкониятига эга бўлса, мактабга таълимнинг ўзида зўр муваффақият қозонган бўламиз. Албатта, бу йўналишда ҳали қиладиган ишларимиз кўп.

Давлатимиз раҳбари ишонч билан айтдики, ахборот технологиялари соҳаси ривожланмаса, қолган ҳеч бир соҳа ривожланмайди, чунки бу замон талаби, бу барча соҳаларда, сановатда, иқтисодиёт тармоқларини ривожлантиришда, ижтимоий ҳаётда, давлат бошқарувида ҳам муҳим, ҳал қилувчи аҳамиятга эга.

Бугун бизда барча шарт-шароитлар ва имкониятлар мавжуд. Халқимизни, жумладан, олимларимизни, ёшларимизни қўллаб-қувватлаш бўйича жуда юқори кўрсаткичларга гувоҳ бўламиз. Худо хоҳласа, мана шу йўналишда ва шундай тезликда ривожланиб борсак, албатта, мустақкам, узоқ муддатли, асрларга бардош бера оладиган кашфиётлар майдонга чиқади.

СУНЪИЙ ИНТЕЛЛЕКТ КЎП ВАЗИФАЛАРНИ ОДАМЛАРДАН ТОРТИБ ОЛИБ ҚЎЙИШИ МУМКИНМИ?

Умуман олганда, бундан хавотирланиш ўринли эмас. Бу саволга жавоб беришдан аввал тарихга назар соламиз. 20-30 йил аввал компьютер, интернет технологиялари энди-энди ривожланиб келаётган даврни яхши эслаймиз. Уша даврда у ёки бу ишга жойлашмоқчи ёки ташкилот номидан иш тақлиф қилмоқчи бўлсак, бўш иш ўринлари эълонида компьютер саводхонлиги ёки компьютер кўникмаларини билиш даражаси деган алоҳида банд, талаб бўларди. Бундай кўникмалар эса ҳамма иш жойига ҳам талаб қилинавермасди, чунки энди-энди кириб келаётган технология эди.

Бугун замонавий ишчи ўринлар эълонларининг ҳар бирига компьютер кўникмаси талаб қилинади. Демак, ҳаётимизга компьютер

технологиялари, компьютер саводхонлиги шу даражада кириб келганки, ҳозир бу нарсалар ҳақида гапирмасак ҳам, кўникма бўлиши шарт. Интернет технологиялари ҳаётимизни ўзгартириб юборди. Мисол учун, журналистика соҳасига интернет шунақа катта таъсир кўрсатишини бир неча ўн йиллар аввал тасаввур этмаганмиз. Интернет ривожлангандан кейин ижтимоий тармоқлар кенг оммалашди, видео-хостинг платформалар пайдо бўлди. Журналист ҳам энди фақатгина ойнаи жаҳон, радио ёки газета орқали эмас, балки интернет платформаларида, каналларда, мессенжерларда фаолият юритапти. Шунга кўра, аудитория кўлами кенгайяпти. Бу қанчадан-қанча янги имконият, қанчадан-қанча янги иш ўрни яратди.

Энди 10 йил олдинга, келажакка назар солайлик. Менинг фикримча, яқин йилларда компьютер технологиялари қандай қилиб ҳаётимизга, интернет технологиялари қандай қилиб ишчи ўринларга таъсир қилган бўлса, сунъий интеллект техно-

яшаган, орадан қанча вақт ўтди, энди аждодларимиз билан фақат мақтанишни ва фахрланишни бас қилайлик, ишни бошлайлик", дейишди. Мен эса бу фикрни қисман тасдиқлашим мумкин, кўп қўшилмайман.

Тўғри, шунчаки тақдирнинг юришдан фойда йўқ, бугун Янги Ўзбекистонни қуриш, Учинчи Ренессанс пойдеворини барпо этиш йўлида давлатимиз раҳбари олдимишга жуда катта вазифаларни белгилаб берди. Масалан, ҳар бир ислохот илм-фанга асосланган бўлиши кераклиги талаби. Илм-фанда, асосан, тиббиётда бир аjoyиб феномен "плацебо" деб юритилади. Бу феноменнинг мазмунини қисқа ва лўнда айтадиган бўлсак, одам бир нарсага кўра ишонса, у ёки бу лойиҳада муваффақиятга эришишини кўра олса, албатта, муваффақият унинг қўлида бўлади. Бошқача айтганда, ихтиёрий лойиҳанинг асосий, муҳим босқичи, бу, энг аввало, муваффақиятга самимий ишонини демасдик.

“ ИШОНЧИМ КОМИЛКИ, КЕЛАЖАК ИШЧИ ЎРИНЛАРИДА ҲАТТО БУНДАЙ ШАРТЛАРНИ АЛОҲИДА КЎРСАТИБ ЎТИШГА ЗАРУРАТ ҲАМ ҚОЛМАЙДИ, ЧУНКИ БУ ТЕХНОЛОГИЯЛАР ҲАМ ҲАЁТИМИЗГА ЧАМБАРЧАС БОҒЛИҚ НАРСА БЎЛИБ ҚОЛАДИ. ШУНИНГ УЧУН ҲАМ, ЮҚОРИДАГИ ФИКРЛАРНИ ИНОБАТГА ОЛАДИГАН БЎЛСАК, СУНЪИЙ ИНТЕЛЛЕКТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ҲАЁТИМИЗГА ФАҚАТ ИЖОБИЙ ТАЪСИР КЎРСАТАДИ.

гиялари ҳам худди шундай таъсир доирасига эга бўлади, биз уни қандайдир илгор технологик янгилик эмас, балки "сунъий интеллект саводхонлиги" деб номлаймиз.

Ишончим комилки, келажак ишчи ўринларида ҳатто бундай шартларни алоҳида кўрсатиб ўтишга зарурат ҳам қолмайди, чунки бу технологиялар ҳам ҳаётимизга чамбарчас боғлиқ нарсалар бўлиб қолади. Шунинг учун ҳам, юқоридаги фикрларни инобатга оладиган бўлсак, сунъий интеллект технологиялари ҳаётимизга фақат ижобий таъсир кўрсатади.

Тўғри, қандайдир оддий иш ўринлари йўқ бўлиб қолиши мумкин, лекин битта иш ўрни устига янги иккита ёки учта йўналиш ва мутахассисликлар пайдо бўлади. Яна битта муҳим фарқли жиҳати, янги ишчи ўринлар даражадан юқори назаридан ҳам, маош нуқтаи назаридан ҳам анча юқори бўлади.

ЯНГИ УЙҒОНИШ ҲОДИСАСИ ТЕЗРОҚ СОДИР БЎЛИШИ УЧУН НИМА ҚИЛИШ КЕРАК?

"Алгоритм" атамаси аслида бизга тегишли экани тарих ҳурмати бутун дунё таъна олади. Аммо Билл Гейтс, Стив Жобс, Илон Масклар ўзбек эмас-да.

Бир нарсани тўғри тушуниш керак. Мана, энг машҳур смартфонни олайлик. Унинг ичиде асос сифатида алгоритмлар бор, уни маҳсулот сифатида яратган замонамизнинг илгор шахслари ҳам бунга меҳнат билан эришган. Лекин бу фақат уларнинг ютуғи эмас, бунга баҳо бераётганда аждодларимизнинг шу соҳадаги ютуқларини инобатга олиш керак. Энг дастлабки ютуқларга айнан бизнинг ота-боболаримиз тарафидан эришилган.

Аждодларимиз кашф қилган ва уларнинг номи билан аталган алгоритм атамаси ҳозир бутун дунёда миллиондан, эътиқодидан ва бошқа жиҳатларидан қатъи назар, барча томонидан дастурлаш технологиялари соҳасида бирдек қабул қилинган. Бу билан фақат фахрланиш керак.

Бироқ ана бир нарса бор, турли давраларда ватандошларимиз, ҳамкасбларимиз билан суҳбатлашганимизда кўпчилик "Буюк ота-боболаримиз бўлган, лекин улар ҳаммаси ўрта асрларда

Шу нуқтаи назардан, "плацебо" феномени — биз, албатта, ёшларимизга буюк аждодларимиз ютуқларини замонавий, медиа технологиялар орқали, қўлланмалар ва фильмлар тайёрлаб кенг тарғиб қилишимиз керак. Илоҳи бўлса, шунчаки тарих сифатида эмас, балки уни замонамизга, бугун мамлакатимизда бўлаётган ислохотларга мантқиқий боғлаб таътиб қилишимиз зарур. Бу ўз самарасини беришига ишонамиз.

Учинчи Ренессанс ҳодисасини содир этиш осон эмас. Бу борада катта умид, албатта, ёшларимиздан.

Ренессанс ҳодисалари бизнинг заминда, Марказий Осиё худудиде илди эйган бўлса, бугунги ёш авлод қонида ҳам шу буюк қудрат зоҳир, албатта. Кўникмалар, ёндашувлар тўғри бўлса, бу қудрат ўз сўзини айтади. Демак, юқорида таъкидлаганимиздек, бой тарихимизни, ота-боболаримизнинг улкан ютуқларини ёшларимизга "плацебо" нуқтаи назаридан тарғиб қилишимиз керак. Токи, ёшларимиз улуг ишларга қодирлигига ишонч ҳосил қилсин. Ана шу биринчи босқичи, яъни самимий ишонтиришни тўғри амалга оширсак, қолгани ўз-ўзидан рўй беради.

Давлатимиз раҳбари тасдиқлаб берган Янги Ўзбекистоннинг тараклий стратегияси негизда "Инсон қадрини ўз-ўзидан турибди. Бу халқпарвар ислохот бизнинг соҳамизга ҳам бевосита ижобий таъсир кўрсатади. Бойси, сунъий интеллект соҳасидаги кадрларда интеллектуал салоҳият бўлиши керак, уни ёшларда ривожлантиришимиз шарт. Бунда шароит ва имкониятнинг муҳим ўрни бор.

Шу ўринда интеллектуал салоҳият, айниқса, ёшларнинг интеллектуал кўникмалари қачон ривожланиб, деган савол турғилиши табиий. Қачонки, биз уларни тўғри парвариш қила оламиз.

Бунинг учун Президентимиз зарур шароитларни яратиш берди, барча соҳада мисли кўрилмаган ислохотлар амалга оширилмоқда. Ахборот технологиялари марказлари очилапти, сармоялар киритилапти, олий таълим ривожланипти, тизимни қўллаб-қувватловчи имтиёзлар берилмапти.

Агар бугун ёшларимиз умр бўйи таълим олиш, изланиш руҳида ривожланиб келса, биз олдимишда турган мақсадимиз — Учинчи Ренессанс пойдеворини жуда мустақкам барпо этиш, Янги Ўзбекистонни қуриш йўлида, албатта, муваффақият қозонамиз.

КООПЕРАТИВ ТАДБИРКОРЛИК

Сурхондарёда ижобий самаралар беряпти

Давлатимиз раҳбарининг 2021 йил 5 августдаги “Маҳаллаларда тadbirkorlikни янада қўллаб-қувватлаш ва тadbirkorlik субъектлари билан аҳоли ўртасида кооперацияни ривожлантиришнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори ижроси юзасидан Сурхондарё вилоятида янги иш ўринлари яратиш ҳамда жойларда кооперацияни ривожлантириш орқали аҳоли бандлигини таъминлаш, уларнинг доимий даромад манбаига эга бўлишида қатор ижобий ишлар амалга оширилмоқда.

— Жорий йилнинг ўтган даврида кооперация усулида тadbirkorlikни ривожлантириш мақсадида туман ва шаҳар ҳокимликлари билан вилоятдаги тижорат банклари ҳамкорлигида умумий қиймати 80,4 миллиард сўмдан иборат 58 та лойиҳа шакллантирилди. — дейди Сурхондарё вилояти ҳокимининг биринчи ўринбосари, оилавий тadbirkorlikни ривожлантириш вилоят комиссияси раиси Файзулла Маманов. — Худудимиздаги шароити оғир 53 та маҳаллага 58 нафар етакчи тadbirkorlik бириктирилди. Лойиҳаларда 10 110 та хонадон қамраб олинди, 11 120 та янги иш ўрни яратилиши режалаштирилган. Ҳозиргача 46 нафар тadbirkorlik 47,3 миллиард сўм кредит ажратилди. Август ойининг 20-санасигача тижорат банклари томонидан яна 12 нафар етакчи тadbirkorlik 17,6 миллиард сўм кредит берилиши белгиланди. Тижорат банклари томонидан ажратилган маблағларнинг мақсадли ишлатилиши, хонадонларнинг қамраб олингани ва иш ўринлари яратилганини вилоят касаба уюшмалари кенгаши мутахассислари доимий мониторинг қилиб бормоқда.

Ҳокимнинг биринчи ўринбосари фикрларига шуни қўшимча қилиш кераки, воқеада кооперация ташкил қилиш истагини билдирган 53 нафар ташаббускор тadbirkorlikнинг 21 нафари паррандачилик, 27 нафари иссиқхона ҳўжалиги, гулчилик, гиламчилик, ҳўнармандчилик, асаларчилик, балиқчилик, чорвачилик лойиҳалари асосида фаолият олиб борапти.

— Мисол учун, Ангор туманидаги Кайран маҳалласида фаолият қўрсатётган “Серо асфальт” МЧЖ тadbirkorlikлари кооперация усулида паррандачиликни ривожлантириш мақсадида “Миллий банк” Термиз филиалидан ажратилган 1,5 миллиард сўм ҳисобига 170 та оилага 11 минг бош жўжа тарқатди. — дейди вилоят касаба уюшмалари кенгаши раиси, кооперация усулида тadbirkorlikни ташкиллаштириётган корхоналар фаолиятини назорат қилувчи мониторинг гуруҳи раҳбари Абдукарим Аҳмедов. — Утган қисқа вақт мобайнида бу маҳаллада паррандачилик анча ривожланди. Ҳозир хонадонларда етиштирилаётган тухум бозор ва савдо дўконларига чиқариляпти. Бир йилдан сўнг тovuқлар МЧЖ томонидан аҳолидан йиғиб олинади ва гўшта топ-

ширилади. Оилаларга яна ёш жўжалар берилади.

Ангор туманидаги Новшаҳар маҳалласида “Karvon-sarbon-fayz” МЧЖ ишбилармонлари банкдан ажратилган 1,4 миллиард сўмга 170 нафар ҳамда Термиз туманидаги “Ostona gilamchi” МЧЖ тadbirkorlikлари 500 миллион сўм кредит ажратилиши эвазига 70 нафар қишлоқ хотин-қизи билан шартнома тузган ва уларга гилам тўқиш асбоб-ускуналари, зарур хомашё етказиб бермоқда. Қишлоқ аёллари тўқитган ранг-баранг гиламларнинг харидори ҳам тайин. МЧЖ ишбилармонлари маҳсулотнинг бир қисмини ички бозорга, қолганини экспортга жўналяпти. Жаркўрғон туманидаги Намуна маҳалласида фаолият қўрсатётган “Grand-chicken-house” МЧЖ кооперация усулидаги лойиҳа асосида паррандачиликни ривожлантириш мақсадида 700 миллион сўмлик банк кредити, Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги ҳўзуридаги жамғарма ҳисобидан ажратилган 500 миллион сўм субсидия ҳисобига 170 кишини паррандачилик билан шўғулланишга жалб этди.

— Дастлаб тажрибамиз етарли бўлмагани учун фарғоналик тadbirkorlikлардан хар бош жўжани 5-6 минг сўмдан харид қилиб, аҳолига тарқатдик. — дейди “Grand-chicken-house” МЧЖ раҳбари Зокир Маҳмудов. — Энди эса 200 миллион сўм сарфлаб, 21-23 кунда жўжа очирадиган инкубаторлар келтиридик ва ҳўзирча 13 та маҳаллада инкубатор ишлаб турибди. Лойиҳанд маҳалласидаги 50 та хонадонни кооперацияга жалб қилганимиз. Улар хонаки тovuқлардан тухум етиштириб беради, биз уни инкубаторда очиради, аҳолига тарқатяпмиз. Хонадон эгалари хонаки тovuқларни икки йил давомида парваришлаб тухум етиштиради. Омихта ем таъминоти бизнинг зиммамизда. Икки йилдан сўнг у тovuқлар ўрнига яна 20 кунлик жўжа тарқатамиз. Шаҳсан ўзим хонадонимда 400 та хонаки тovuқ боқаяпман. Юқорида айтганимдек, 13 та маҳаллада қўйилган инкубаторнинг хар бирига жўжа очирадиган 1100 дона тухум жойлашади. Бир манзилда бир йўла минг дона тухум топиш қийин. Шунинг учун кооперация усулида хонаки тovuқ боқаётган шахслардан тухум сотиб олиб, очирапмиз. Мақсадимиз паррандачиликни янада ривожлантириб, минг нафардан зиёд кишини ишли ҳамда даромадли қилиш.

ЮКСАЛИШ ОДИМЛАРИ



— ФУҚАРОЛАРИМИЗ ҲОВЛИСИДА ҲОВУЗ ҚУРИБ, БАЛИҚ ЕТИШТИРИШНИ ИСТАМАСА, МАҲАЛЛА ҲУДУДИДА БЎШ ТУРГАН 1 ГЕКТАР ЕР БОР. ШУ ЖОЙДА БИР НЕЧТА ҲОВУЗ ҚУРИБ, СУВ ВА ОМИХТА ЕМ БИЛАН ТАЪМИНЛАБ, АҲОЛИГА КООПЕРАЦИЯ УСУЛИДА БИРИКТИРИШНИ РЕЖАЛАШТИРИЯПМИЗ. — ДЕЙДИ ҲОКИМ ЁРДАМЧИСИ. — ШУНДА 30 НАФАР КИШИ ИШ БИЛАН ТАЪМИНЛАНДИ. МУҲИМИ, БАЛИҚ ГЎШТИ КЎПЯЙДИ ВА БОЗОРЛАРИМИЗДА ҚИШДА ҲАМ ҚЎЛУПНАЙ САВДОСИ ТАШКИЛ ҚИЛИНАДИ.

Уzun туманидаги Янги куч маҳалласида “Grand-Янги куч-Парранда” хусусий корхонаси ишбилармонлари ҳам “Алоқабан”дан ажратилган 1 миллиард сўм кредит ҳисобига 150 та хонадон эгалари билан кооперация асосида бройлер гўшт ва тухум етиштириш учун тovuқ бoқмоқда.

Вилоятнинг олис Узун туманида паррандачилик йўналишидан ташқари, яна иккита кооперация усулида тadbirkorlik йўлга қўйилган. Масалан, Файзова маҳалласида “Тухтамурод бобо строй омад” хусусий корхонаси “Агробанк” туман филиалида берилган 2 миллиард сўм ҳамда Чакар маҳалласида “Мурод фазл омад” МЧЖ тadbirkorlikлари банкдан ажратилган 1,1 миллиард сўм сарможа ҳисобига “Бир маҳалла — бир маҳсулот” тамойили асосида кооперация усулида ишлашга талабгор хонадонлар аъзоларига 5-6 сотихли иссиқхона қуриб беряпти. Хар икки ташкилот хар бир маҳалладан 100 нафардан ишсизнинг бандлигини таъминлади.

Президентнинг 2021 йил 23 августдаги “Сурхондарё вилоятида қўлай инвестиция муҳитини яратиш, кичик бизнес ва оилавий тadbirkorlikни рағбатлантириш юзасидан қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қароридан белгиланган имтиёзлардан фойдаланган ҳолда, Термиз шаҳридаги Гулистон маҳалласида ҳоким ёрдамчиси бўлиб ишлаётган Салоҳиддин Чориев балиқчилик

фермасини ташкил этди. Келгусида маҳалла фуқаролари билан кооперация усулида балиқчилик ривожлантирилади.

С.Чориевнинг ҳовлисида иккита 6x5 метр ҳажмли ҳовуз қурилган. Ҳовулар атрофи 1,5 метр баландликда бетонлаштирилиб, унда 3 тонна атрофида сув сақлаш учун геомембрана тўшаб чиқилган. Қиш ойларида ҳовуздаги сув 20 даража илқ бўлиши учун бетон остига иситиш мосламалари ўрнатилган. Сув тармоғига уланган жўмрақлардан ҳовуз тўлади ва ортқича сув циркуляция усулида каналлашчиёга оқади. Айни дамда ҳовуларда зогора ва венгер карп балиғининг минг



дона чавоқлари боқияпти. Витаминларга бойитилган махсус омихта ем бериб, интенсив усулда парваришланаётган жониворларнинг хар бири 6 ой мобайнида бир, икки килограмм тош босадиган даражага етади. Омихта ем ва бошқа харажатларни ҳисобга олганда 1,2 тонна балиқ етиштиришга 16 миллион сўм сарфланади. Бозорда балиқнинг килоси ўртача 35 минг сўмдан сотилганда даромади 42 миллион сўмни ташкил этади. Демак, кооперация усулида ҳовлисида интенсив усулда балиқ етиштирувчи фуқаро 6 ойда 26 миллион сўм соф даромадга эга бўлади.

— Балиқчилик лойиҳаси ичда яна бир лойиҳа жорий қилинади. Ҳовулар атрофи ёз ва кuzда очик туради, қишда плёнка ўралади. Унинг атрофидаги 1,5 метр йўлакчадан унумли фойдаланиш мақсадида қўлпнай етиштирилади. — дейди “Prode bolding” МЧЖ раҳбари, таъминотчи Акбар Аҳмедов. — Ҳовуз атрофидаги металл устунларга таҳддан ясалган махсус қўтилар стилиж усулида жойлаштирилади ва кокос пўчоғи ҳамда ўғит солиниб, август-май ойлари оралиғида қўлпнай ўстирилади. Балиқхонада айнан қўлпнай парваришланиши сири шўки, бу ўсимлик намликни хуш қўради. Минг дона қўлпнай қўчати, кокос пўчоғи ва бошқа харажатлар учун 15 миллион сўм сарфланади. Шу усулда ўстирилган қўлпнайдан 500 килограмм ҳосил терилганда, қиш ойлари қўлпнай мевасининг килоси 60-70 минг сўм сотилишини эътиборга олсак, соф фойда 15 миллион сўмдан кам бўлмайди.

Ташаббускор ҳоким ёрдамчиси ўз ҳовлисида ҳовулар барпо этиб, балиқ парваришланганга маҳалла аҳолиси қизиқиб, ҳозирча бу янгилик билан танишмоқда. Салоҳиддиннинг айтишича,

келгусида талабгорларга кам фоизли 33 миллион сўм микдордаги кредит ажратилади ва хоҳлаганлар кооперация усулида балиқчилик билан шўғулланиб, даромадга эга бўлади.

— Фуқароларимиз ҳовлисида ҳовуз қуриб, балиқ етиштиришни истамаса, маҳалла ҳудудида бўш турган 1 гектар ер бор. Шу жойда бир нечта ҳовуз қуриб, сув ва омихта ем билан таъминлаб, аҳолига кооперация усулида бириктиришни режалаштириямиз. — дейди ҳоким ёрдамчиси. — Шунда 30 нафар киши иш билан таъминланади. Муҳими, балиқ гўшти кўпаяди ва бозорларимизда қишда ҳам қўлпнай савдоси ташкил қилинади.

Сурхондарё вилоятида тижорат банклари ажратаётган кредит ҳамда Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги ҳўзуридаги жамғармадан берилган субсидия ҳисобига кооперация усулида иш ташкил қилиб, аҳолининг ижтимоий ҳўмоғга муҳтож қисми, шунингдек, дафтарлар рўйхатида турганлар ва хотин-қизлар бандлигини таъминлаш орқали уларнинг даромад манбаига эга бўлишига фақат тadbirkorlik субъектларига эмас, шу билан бирга, республика касаба уюшмалари федерациясининг Сурхондарё вилояти кенгаши ҳам салмоқли ҳисса қўшмоқда.

— Шу йўналиш бошида “Oltinsoy zif tekstil”, “Agro plast”, “Umidaxonim milliy shirinliklari”, “Baysun original sweets”, “Sherobod star tekstil”, “Serdse mira”, “Sariosiye-Lobar-Farm” корхоналарига кенгашимиз томонидан янги иш ўрни яратиш учун қайтариш шarti билан 4 миллиард 425,4 миллион сўм ажратилди. — дейди вилоят касаба уюшмалари кенгаши раиси Абдукарим Аҳмедов. — Бу корхоналар қишлоқлардаги 767 нафар хотин-қизни кооперация усулида тикувчилик, пишириқ ва нон маҳсулотлари, кир ювиш ҳамда умумий овқатланиш, қандалатчилик, целлофан плёнка ишлаб чиқариш, дизайнли йўналиши бўйича иш билан таъминлаган. Мисол учун, Олтинсой туманидаги “Oltinsoy zif tekstil” тикувчилик фабрикаси маъмурияти касаба уюшма ажратган 1,5 миллиард сўм эвазига 300 нафар хотин-қизни кооперация асосида меҳнатга жалб қилган. Улар ҳам хўна урганяпти, ҳам даромадли бўляпти. Хулоса қилиб айтганда, вилоятда кооперация усулида иш ташкил қилиш ўзининг ижобий самарасини бериб, афзалликлари намoён бўлиб бормоқда.

Усмонали НОРМАТОВ, журналист

ТАШАББУС

Ойбек КАМОЛОВ:

“БАРЧА ЭРИШАЁТГАН МУВАФФАҚИЯТИМИЗ ҲАЛОЛ МЕҲНАТ ОРТИДАН”

Тovuқ етти хазинанинг бири, дея бежиз таъриф берилмаган. Бунинг қанчалик ҳақиқат эканлигини шу соҳада изланиб, интилиб, бошидан ўтказганлар яхши билади. Лекин шуниси аниқки, ҳолва деган билан оғиз чучмайди. Ўз-ўзидан даромад тошиб келавермайди. Бунинг ўзига хос машаққати бор.

Шу йўналишда бизнес бошлаган якка-боғлик Абдунаби Ғиёсовнинг танлови тўғри эканлигини бугун у эришган муваффақиятлардан ҳам билиш мумкин. Бунга ҳам ўн йиллардан ошиб қолди.

Дастлаб қишлоқ четидидаги қаровсиз бинода иш бошлаган Абдунаби ака ёнига уч ўғлини ҳам олди. Имкониятини чамалағач, икки минг дона жўжа билан моллаштирилган тovuқхонада парваришни бошлаб юборди. Биринчи йилнинг ўзидаёқ тухум сотишни йўлга қўйиб, яхшигина даромад ола бошлади. Фойданинг асосий қисмини ўз фаолиятини кенгайтиришга йўналтирди. Банкдан 14 миллиард сўмлик имтиёзли кредит олди. Эрон ва Германия каби давлатлардан ускуналар олиб келиб, паррандачиликни санатор усулида йўлга қўйди. Авваллари кунига икки-уч минг дона тухум олаётган бўлса, бу қўрсаткич эллик мингтага етди. Даромад ҳам шунга яраша



ўсди. Бугун Абдунаби ака асос солган “Кумуш куз фазйи” масъулияти чекланган жамиятига унинг тўнғич ўғли Ойбек Камолов раҳбарлик қилмоқда.

Еш ва изланувчан йигит Яқкабоғ туманининг ички бозорини деярли тўлиқ тovuқ тухумлари билан таъминлашга эришди. Кейинчалик нафақат туманда, балки ви-

лоят миқёсидаги бозорларга ҳам маҳсулот чиқара бошлади. Сифатни биринчи даражага қўйган тadbirkorlik ўшини Тожикистон ва Афғонистонга ҳам экспортни йўлга қўйди.

— Бошида тўрт-беш нафар ходим билан иш бошлаганимиз, — дейди “Кумуш куз фазйи” масъулияти чекланган жамияти раҳба-

ри Ойбек Камолов. — Рости, илк марта бу йўналишда иш бошлаганимизда қўпчилик давом этириб кетишимизга ишонмаганди. Аммо дадамнинг хар бир ишда сабр билан ҳаракат қилиши, эртанги кунга ишонч билан интилиши, бизни ҳам шунга ишонтира олиши бугунги даражага олиб чиқди. Тўғри, осон бўлгани йўқ. Ҳозир ҳам баъзи тенг-

дошларим билан гаплашиб қолсам, фақат нолишдан нарига ўтмайди. Бугун ҳаракат қилган одам учун барча имкониятлар эшиги очик. Давлатимиз раҳбари ўзи бош бўлиб, тadbirkorlik олдидидаги тўсиқларни олиб ташлади. Бундан ортқ қўлайлик бўлмаса керак. Бир пайтлар банк эшиги олдида кунимиз ўтарди. Кредит олиш жуда қийин эди. Бугун эса бари ортда қолди. Фақат астойдил меҳнат қилинса, бас.

Айни пайтда жамият цехларида етмиш беш мингдан ортқ тovuқ парваришланяпти. Ҳозирда айнан тухумнинг ўзидан корхона кунига уч ярим-тўрт миллион сўмгача соф фойда олмақда.

Тadbirkorlik Ойбек Камоловнинг янги лойиҳасига қўра, шу йилнинг охирига бориб чорвачилик ҳам йўлга қўйилади. Ҳозирда Швейцариядан насли 100 бош қорамол олиб келинмоқда. Лойиҳага қўра, чорвачилик комплекси қошида сутни қайта ишлаш цехи ҳам ишга туширилади.

Бу ҳали ҳаммаси эмас. Жорий йилдан бошлаб тadbirkorlik ота ва ўғиллар ярим гектарлик сунъий ҳавза яратиб, балиқчиликни ҳам йўлга қўйди. Тadbirkorlik қарашли 40 гектарлик майдон атрофида эллик минг терак ўсмоқда. Шунингдек, Китоб туманидаги Варганза анори навининг икки мингта яқин қўчати олиб келиниб, экилди. Янги ташкил этилган ўзумзорда эса беш минг туп “Ризамат ота” ток ниҳоллари барваж ривожлантирилмоқда. Боғ четида ташкил этилган иссиқхоналарда эса тўрт юз туп лимон аллақачон ҳосилга кирган. Утган

йили синов тариқасида экилган икки юз туп мандарин дарахлари эса яна икки йилда мева бера бошлайди.

2020 йилда корхона томонидан тумандаги ўттизга яқин хонадонга мингта тovuқ тарқатилган бўлса, ўтган йилда 36 та маҳалладаги хонадонларга икки мингта тovuқ бепул тарқатилди. Бу эса эҳтиёманд ва ишсиз оилаларнинг тadbirkorlik билан шўғулланишига яхшигина туртки бўлди.

— Хонадонларга берилган тovuқларни парваришлашда хар томонлама қўмак бериб келяпмиз, — дейди О.Камолов. — Ҳозирда шу соҳадан даромад топаётган аҳоли сони анча кўпайди. Ўз уйида меҳнат қилиб, рўзгорини обод қилаётганларни қуриб, хурсанд бўламан.

Дарҳақиқат, жорий йилнинг 31 май куни давлатимиз раҳбари раислигида аҳолини озик-овқат, жумладан, чорвачилик ва паррандачилик маҳсулотлари билан узлуксиз таъминлаш чора-тадбирлари юзасидан ўтказилган видеоселектор йиғилишида берилган қўрсатмаларга асосан, бугун Яқкабоғ туманида бир қатор лойиҳалар ишлаб чиқилмоқда.

— Туманимизда чорвачилик ва паррандачиликни драйвер соҳага айлантириш борасида жиддий ишлар олиб бориляпти, — дейди Қашқадарё вилоят “Чорванасл маркази”нинг Яқкабоғ туманидаги вакили Ғолиб Рўзиев. — Ҳозир туманимизда биргина паррандачилик йўналишида 8 та корхона фаолият қўрсатяпти. Шунингдек, қорамолчиликни ривожлантириш учун 24 та, қўйчилик учун 9 та, паррандачиликка 2 та, балиқчилик, қўнчилик, асаларчилик каби жами 62 та янги лойиҳа ишлаб чиқилди. Қўшимча равишда 22 та маҳалла паррандачилик ва чорвачиликка ихтисослаштирилмоқда. Натижанда 20 680 хонадоннинг бандлиги таъминланади.

Акбар РАҲМОНОВ, “Янги Ўзбекистон” муҳбири

ЭКОЛОГИК БАРҚАРОРЛИК

Янги Ўзбекистон тараққиётининг муҳим омили

Борий АЛИХОНОВ, Олий Мажлис Сенати Оролбўйи минтақасини ривожлантириш масалалари ва экология кўмитаси раиси

Бошланиши 1-бетда

Халқ фаровонлиги йўлидаги ислохотлар хусусида фикр юритганда, экология йўналишидаги саъй-ҳаракатларни ҳам алоҳида қайд этиш жоиз. Зеро, экологик хавфсизлиқни таъминлаш ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш саломатлигимиз, ҳаётимиз амалоти. Шу маънода, истиқлол йилларида юртимизда атроф-муҳитни муҳофаза қилишга оид 30 га яқин янги қонун ҳамда 300 га яқин қонуности меъёрий-ҳуқуқий ҳужжат қабул қилинганлиги диққатга сазовор. Ўзбекистон халқаро ҳуқуқнинг тўлақонли субъекти сифатида мазкур соҳа бўйича 15 га яқин конвенция, халқаро протокол ҳамда келишувларни имзолаб, ратификация қилди. Амалдаги қонунларимизга илгор халқаро ҳуқуқ нормалари тўлақонли имплементация қилинмоқда.



Экология самардорлигини ошириш ҳам долзарб.

Экологик таълимни ривожлантириш ва такомиллаштириш, атроф-муҳит муҳофазаси ҳамда аҳоли саломатлигини сақлаш ишларига жамоатчиликни кенг жалб қилиш муҳим вазифалар сирасига киради. Шу билан бирга, 2030 йилга қадар Барқарор ривожланиш соҳасида Миллий мақсадларга эришишга қаратилган тизимли ишлар амалга оширилмоқда. Натijaда 2030 йилгача бўлган даврда Ўзбекистон Республикасининг атроф-муҳитни муҳофаза қилиш концепцияси тасдиқланди.

Резолюция — муҳим қадам

Юртимизда Оролбўйи минтақаси экологик барқарорлигини таъминлаш, ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бўйича қилинаётган ишлар самараси бугун аққол кўзга ташланмоқда. Бунда БМТнинг Оролбўйи минтақаси учун Инсон хавфсизлиги бўйича кўп томонлама шериклик траст жамғармаси ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридagi Оролбўйи халқаро инновация маркази ташкил этилгани муҳим аҳамият касб этмоқда.

Президентимиз ташаббуси билан БМТ Бош Ассамблеясининг 2021 йилдаги 75-сессиясида "Оролбўйи минтақасини экологик инновациялар ва технологиялар худуди деб эълон қилиш

Қарорда Оролбўйи иқтисодиёт тармоқларида ресурстежовчи ҳамда юқори самарали инновацион технологияларни кенг татбиқ қилиш, экологик барқарорлиқни таъминлаш, илмий тадқиқотлар ўтказиш, илмий-инновацион ишланмаларни амалиётга жорий этиш, халқаро ҳамкорликни ривожлантириш бўйича муҳим вазифалар белгиланди. Шунингдек, 2021-2024 йилларда амалга оширилиши мўлжалланган 7 та йўналишдаги 71 та тадбирдан иборат "йўл харитаси" тасдиқланди. Бунинг учун турли манбалардан 312 миллиард сум, 22,2 миллион АҚШ доллари, 6 миллион еврога тенг маблағ сарфланди, ҳар бир йўналиш бўйича тадбирларнинг ўз вақтида ва сифатли ижроси ишчи гуруҳлар томонидан таъминланиши белгилаб берилди.

Қарор билан махсус резолюцияда белгиланган вазифаларни амалга ошириш учун 2021-2024 йилларда бажарилиши режалаштирилган 65 та устувор



инновацион лойиҳа тасдиқланди. Улар ижроси учун 1,9 триллион сўмга тенг маблағ йўналтирилиши ва 4,5 минг иш ўрни яратилиши кутилмоқда.

Қолаверса, Орол денгизининг қуриган тубида яшил қопламаларни янада кенгайтириш, шўрға ва сувсизликка чидамли озуқаоп ўсимликлар етиштириш каби юмушларни назарда тутувчи 2022-2026 йилларга мўлжалланган миллий дастур лойиҳаси ишлаб чиқилган.

Орол денгизининг қуриган тубида яшил ўрмонзорлар барпо этиш госясини халқимиз, айниқса, катта хурсандлик билан қарши олди. Бугунги кунда Оролнинг қуриган тубида ўрмонзорлар барпо



ИСЛОХОТ ОДИМЛАРИ



Оролбўйини ўрмонлаштириш атроф-муҳит ҳолатини юмшатиш, табиий ресурслар деградацияси олдини олишга шароит яратиш, денгизнинг қуриган тубидан қум ва чанг кўтарилишини максимал даражада камайтиришни таъминлайди. Шунингдек, фауна оламли кўпайиши ва тарқалиши учун қулай экотизим шаклланди, чўл ўрмонлари майдонлари ва биохилма-хилликнинг кенгайиши минтақада иқлим юмшашига шароит яратади.

Орол денгизи қуриган тубининг қарийб 80 фоиз қисми яшилликка бурканади

2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясида ҳам экологик барқарорликни таъминлаш масалаларига алоҳида эътибор қаратилган. Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, шаҳар ва туманларда экологик аҳволни яхшилаш мақсадида "Яшил макон" умумимиллий лойиҳаси доирасида ҳар йили камиди 200 миллион тул дарахт экиш, республиканинг 10 та худудда аэробактериологик мониторинг тизимини йўлга қўйиш мақсад қилиб олинган.

Оролнинг қуриган тубида қўшимча 500 минг гектар яшил майдон барпо этиб, 2026 йил якунига қадар уларнинг умумий ҳажмини 2,5 миллион гектарга ёки худуднинг 78 фоизига етказиш белгиланган.

Дарҳақиқат, кейинги йилларда ишлаб чиқариш соҳасини модернизация қилиш

ёки чиқитсиз замонавий "яшил технология"ни қўллаш, шунингдек, иқтисодиёт тармоқлари ва ижтимоий соҳанинг энергия самардорлигини ошириш, яъни "яшил энергетика"ни татбиқ этиш ҳисобига "яшил тараққиёт" йўли билан иқтисодий тараққиётга эришишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Бутун дунёда углероддор хомашёси захиралари камайиб бораётгани сабабли "яшил энергия" манбаларига ўтиш ва юзга келаётган иқлим муаммоларини ҳал этиш бўйича дунё ҳам-жамияти томонидан кенг қўллаш ишлар амалга оширилмоқда. Бу борада Ўзбекистон 2030 йилга қадар қайта тикланувчи энергия манбалари улушини электр энергиясини ишлаб чиқариш умумий ҳажмининг 25 фоиздан кўпроғига етказишни мақсад қилиб олган. Шунингдек, Ўзбекистон 2021 йил ноябрь ойида Глазго шаҳрида иқлим бўйича ўтказилган халқаро саммитда жаҳон ҳам-жамияти олдида 2030 йилгача ялпи ички маҳсулотга нисбатан иссиқхона газлари улушини 35 фоиз камайтириш ташаббусини билдирди. Ушбу мақсадларга эришиш учун шу давр ичида қайта тикланувчи энергия манбаларидан энергия ишлаб чиқариш қувватини қарийб 16 минг МВт.га етказиш режалаштирилмоқда.

2021 йилда Навоий вилояти Кармана туманида қуввати 100 МВт бўлган қуёш фотозлектр станцияси ишга туширилди, Самарқанд вилояти Нуробод туманида қуввати 100 мегаваттга тенг йирик қуёш фотозлектр станцияси фойдаланишга топширилди. Шунингдек, Қорақалпоғистон Республикасининг Бериуний

туманида қуввати 100 МВт бўлган, йилга 360 миллион кВт. соат электр энергияси ишлаб чиқаришга ҳамда 110 мингдан ортиқ хонадонни электр энергияси билан таъминлашга мўлжалланган лойиҳа қурилиши бошланган. Ушбу лойиҳа натижасида 106 миллион метр куб табиий газ тежаллади, атмосферага 160 минг тонна зарарли газ чиқарилишининг олди олинади, тежалган газ ҳисобига 35 минг хонадонни бир йил давомида газ билан таъминлаш имкони туғилади.

Умуман олганда, 2022-2024 йилларда Самарқанд, Жиззах, Бухоро, Навоий ва Сурхондарё вилоятларида қатор қуёш ва шамол электр станцияларини қуриш режалаштирилмоқда. Натijaда жами ишга туширилаётган янги қувватлар эвазига умумий 2 минг 797 МВт. электр энергияси ишлаб чиқариладиган ҳамда атроф-муҳитга етказилаётган зарарли газ миқдори сезиларли камайишига эришилади.

Кузатувчи эмас, иштирокчи бўлиш муҳим

Экологик муаммолар хусусида сўз юритар эканмиз, уларнинг юзга келишини узоқ йиллар давомида атроф-муҳитга белисанда муносабатда бўлиш, табиий ресурслардан нотўғри фойдаланиш билан тавсифлаймиз. Минтақавий ва глобал миқёсда ечилиши зарур бўлган экологик масалалар "мерос" бўлиб қолганини таъкидлаймиз. Булар инсон қадри улуглигини, унинг манфаати ҳар нарсадан устун қўйилаётган бугунги Янги Ўзбекистон учун зарур бўлган атроф табиий муҳитни асраб-авайлаш ва соғломлаштиришни янада долзарб қилиб қўймоқда.

Шу ўринда экологик муаммоларни бартараф этиш учун нималар қилаямиз ёки қилганимиз лозим, деган ҳаққи савол туғилади. Бинобарин, миллий хавфсизлигимизнинг ажралмас қисми бўлган экологик хавфсизлик бугунги куннинг кечиктириб бўлмас вазифаларидан биридир. Ижтимоий-ғоявий ва ҳудудий чегара билмас экологик муаммоларнинг олдини олишда ягона самарали йўл дунё халқлари, барча миллат ва эллар эътиборини табиат ҳамда жамиятдаги кун сайин кескинлашиб бораётган ўзгаришларга қаратиш ва уларни бартараф этишдир. Бу борада давлат ташкилотлари ва жамоат бирлашмалари фаоллигини ошириш, атроф-муҳит муҳофазаси ҳар бир фуқароннинг вазифаси бўлишига эришмоқ даркор.

Табиатни муҳофаза қилиш ишларида ҳар биримиз кузатувчи эмас, иштирокчи бўлишимиз муҳим. Зеро, бизда табиатга эҳтиром, унинг силрларини англаб етишга интилиш, озодалик ва поклик каби эзгу қадриятлар тарих каби кўҳнадир.

Ўзбекистон миллий хавфсизлигига жиддий ҳавф солаётган экологик муаммолар ва атроф-муҳит муҳофазасидаги лоқайдликларга барҳам бериш давр талабига айланмоқда. Чикиндилар билан боғлиқ муаммоларни ҳал этишнинг самарали механизмлари ишлаб чиқишимиз лозим. Худудларга хос экологик масалалардан келиб чиқиб, амалий тадбирларни қўлпайтириш, мавжуд муаммоларни халқ депутатлари маҳаллий кенгашлари муҳофазасига оғиб чиқишни кенгайтириш керак.

Экологик назоратнинг жамоатчи инспекторлари фаоллигини жонлантириш, уларни ўқитиш масаласини ҳал этиш, жамоатчилик экологик назоратини амалга оширишнинг самарали усул ва воситаларини ишлаб чиқиш, жамоатчилик эътиборини ташкил этишга жиддий эътибор қаратиш зарур. Хуллас, қилинажак ишлар кўп. Ўзбекистоннинг барқарор ривожини, она табиатини асраш, экология ва аҳоли саломатлигини сақлаш билан боғлиқ долзарб муаммоларни ҳал этишда фаол иштирок этиш барчамизнинг бурчимиз. Она табиатни софлигича келгуси авлодга етказиш нафақат табиатни муҳофаза қилувчи органлар, балки ҳар бир одам учун ҳам қарз, ҳам фарзидир.

ЗАМОНДОШ

ЎЗ МАКТАБИГА ЭГА ОЛИМ



Дунёга кўпгина ихтиро ва тафаккур маҳсулларини ҳадя этган олимлар орасида она заминимиздан чиққан алломалар билан фахрланамиз. Зеро, улар яратган тиббиёт, алгебра, фалсафа, астрономия каби кўплаб соҳалардаги кашфиётлар, тадқиқотлар фан соҳаларининг тараққиётида ўзига хос мактаб бўлган.

Албатта, юртимизда илм-фан ривожини фақат кўпна тарихда қилиб кетмади. У ўзининг гоҳ жадал, гоҳ сокин ривожланиш босқичларини ўтаб келмоқда. Кўплаб соҳалардаги академиклардан тортиб ёш авлод сафидан етишиб чиққан чинакам фан истеъодлари эришаётган ютуқлар, олиб бораётган илмий изланишлар фикримизни тасдиқлаб турибди. Энг муҳими, улар фан силрларини ўрганибгина қолмай, ўз билимини ёшларга ўргатиб ўзига хос мактаб яратиш келмоқда.

Иқтисод фанлари доктори, профессор Давлатбой Кудбиев ана шундай мактаб яратиш, эл-юрт хурмати, эътирофига сазовор бўлган фидойий олим сифатида тилга олинади.

Хайрли ишлар дебечаси

Болаликдан ҳисоб-китобга қизиққан Давлатбой Фаргона кооператив техникумин битирган,

илм иштиёқида Самарқандга йўл олади. Самарқанд кооператив институти (ҳозирги Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти)га ўқишга киради. Иқтидори, ғайрати сабаб институти жамоасидан иш фаолиятини шу даргоҳда давом эттириш таклифи тушади. Бу таклиф Давлатбой Кудбиевнинг ҳаёт ва илм йўлидаги хайрли ишлари дебечаси бўлди.

Аспирантурада ўқиш учун танловда қатнашиб, саралар сафида Москвага йўл олади. Номзодлик, докторлик диссертацияларини ҳам уша ерда ёқлайди. Ун йиллик илмий изланишлардан сунг қайтиб, Самарқанд кооператив институтида 15 йил фаолият юритди. 1996 йили ҳукуматимизнинг маҳаллий олий таълим муассасаларини ривожлантириш тўғрисидаги қарори фидойий педагог олим фаолиятида янги саҳифа очди. Давлатбой ака ўз фаолиятини Фаргона политехника институтида давом эттира бошлади.

Йиллар олимга илмнинг шарафи юксалиш, ўз соҳаси — бухгалтерия ва аудит йўналишида мактаб яратишдек олий вазифани адо этиш имконини берди. Бу юқни ҳамма ҳам кўтаравермайди. 2020 йили Фаргона политехника институтида биринчи марта бухгалтерия ҳисоби ва аудит соҳасида илмий кенгаш очилди. Бу мамлакат миқёсида бухгалтерия ҳисоби ва аудит, саноат иқтисодиёти ҳамда менежмент йўналишларида фалсафа доктори илмий даражаси олиш учун илмий ишни ёқлаш имконини берди. Илмга қизиққанлар учун энгиллик бўлди. Ўз-ўзидан магистратура ва докторантурага танлов кенгайди. Бу хайрли ишларда ҳам профессор Давлатбой Кудбиевнинг ҳиссаси катта.

Илм машаққати: аввал ва ҳозир

— Илмга аввалги муносабат билан бугунгининг ўртасида ер билан осмонча фарқ бор. Докторлик диссертациямни ёқлаганимга ўттиз йилдан ошган бўлса, у пайтларда ҳозиргидек ахборот технологиялари, маълумот олиш учун қулай манбалар кўп бўлмаган. Ўзув машинасида хатоларни тузатиш учун ўн қайта ёзган пайтларимиз бўлган. Технология ривожини, рақамли



Сувда чўкмайди, ўтда ёнмайди...

Профессор Давлатбой Кудбиевнинг ҳаётдан чиқарган хулосаси, топган фалсафаси битта: илм сувда чўкмайди, ўтда ёнмайди. Амал бугун берилувчи, эртага ечиб олинувчи либосдек гап. "У орқали ҳам эл-юртга нафти тегаётган инсонлар кўп, лекин унга алданиб қолмаслик керак", дейди олим.

Муस्ताқиллик байрами арафасида Президентимиз фармонида биноан олим Давлатбой Кудбиев "Дустлик" ордени билан тақдирланди. Юксак эътирофдан мамнун устознинг дил сўзларига қулоқ тутдик: "Қўндан-қўнга илмнинг, олимнинг қадри ортиб борапти. Илмга ҳаётини бағишлаганлар давлатимиз томонидан ҳар томонлама қўллаб-қувватланмоқда. Бугунги муқофот, эътирофни ҳам ўзимга эмас, Фаргона политехника институти жамоасига, оилма ва шогирдларимга берилган баҳо деб биламан. Олими қадрланган юрт фақат тараққий этишига ишонаман".

Севара АЛИЖОНОВА, журналист



www.yuz.uz

ШУКУҲ



Ўзбекистон ўз истиқлолининг ўттиз иккинчи йилига қадам ташлади. Бу матонатли йиллар миллатнинг миллат, мамлакатнинг мамлакат бўлишида муҳим ўрин тутди. Мустақилликни миллат қалбига муҳрлади. Энг улуг, энг азиз, энг муқаддас туйғуга айланганди.

МУҲТАШАМ МЕЪМОРИЙ ОБИДАЛАРГА МУНОСИБ МАРКАЗ

Муслиҳиддин МУҲИДДИНОВ, Шароф Рашидов номидаги САМДУ профессор, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган ёшлар мураббийси, “Эл-юрт ҳурмати” ордени соҳиби



Мустақиллик масъулияти, мустақилликни ҳимоя қилиш, мустақамлаш мезонлари, тамойиллари пайдо бўлди.


Президентимизнинг Мустақиллик байрамига бағишланган маросимдаги нутқини тинглаб, қалбим фахр-ифтихорга тўлди. Мана бу фикрлар айни ҳақиқат эканига яна бир бор иқдор бўлдим: “Буғунги Ўзбекистон — бу кечаги Ўзбекистон эмас. Буғунги халқимиз ҳам кечаги халқ эмас”.

Бу сўзлар ҳаётимизда қанчалик ижобат бўлганига бугунги янги Самарқандни кўрган инсон яққол ишонч ҳосил қилади. Самарқанднинг қадимий шухратини тиклаш, дунёдаги энг гўзал ва обод манзиллардан бирига айлантириш борасидаги ишлар алоҳида таҳсинга лойиқ.

Самарқандда “Буюк ипак йўли” халқаро туризм маркази очилишига бағишланган тантанали маросимда иштирок этиб, Президентимиз билан учрашиб, суҳбатлашиб, жуда таъсирландим, ҳайратландим. Кўзларимга ишонмадим. Бу мўъжиза эди. Наҳотки, қисқа вақтда шундай улкан, гўзал, бетакрор иншоотни барпо этиб бўлса... Шу кунларга етганимиздан қувондим. Мамлакатимиз иқтисодий қудрати йил-

қилмоқдамиз. Миллат қадри юксалиб, тафаккури чекисизлик касб этмоқда. Президентимиз нутқида таъкидланганидек, “Бу улкан марказ буюк аجدодларимиз бунёд этган муҳташам меъморий обидаларга муносиб бўлиб, уларнинг тарихий аъёналарини одам эйтиради. Ушбу мажмуа мамлакатимизда ҳозирги пайтда пойдевори қурилиши бошланган Учинчи Ренессанс ва олдинги тарихий даврлар ўртасидаги рамзий кўприк бўлади, деб ишонаман”.

Бу рамзий кўприк, таъбир жоиз бўлса, кўхна ва янги Самарқанд ўртасида барпо этилди. Тан олиш керак, шу кунгача фақат асрий меъморий обидалар қад ростлаган Самарқанд бор эди...



дан-йилга ортаётганидан ғурурдандим. Мана истиқлол иншоотлари, имкониятлари, орзу-умидларимиз рўёби, машаққатларимиз меваси, сабр-тоқатимиз махсули. Янги Ўзбекистон гоёсининг ҳаётдаги ижобати. 2016 йилда бошланган ислохотлар натижаси. Халқимиз билдирган ишонч нашидаси. Аҳиллигимиз, бирдамлигимиз, барқарорлик махсули. Тинчлик тантанаси. Очлик сийёсати самараси. Жаҳонга яхшилик улаштириш, кўншилир билан дўстона муҳит яратилишининг ифодаси...

Мустақиллик бошларида нон топишимиз қийин бўлган, тинчлигимиз таҳлика остида қолган, одамларда эртанги кунга ишонч йўқолган, умидсизланган кунлар бир-бир кўз олдимдан ўтди. Яқин тарихимизда юз берган иқтисодий қийинчиликлар, етишмовчиликлар туфайли одамлар иш излаб хоригга кетганини эсладим.

Бугунги манзара бутунлай бошқа. Ҳаёт ташвишлари аллақачон ортда қолган. Биз Янги Ўзбекистонни барпо этмоқдамиз. Янги Ватанни бунёд

2022 йил 23 август. Бу сана мамлакатимиз тарихи саҳифаларига олтин ҳарфлар билан ёзилади. Айни шу кунга янги Самарқанд барпо этилганини миннатдор авлодлар эътироф этишига ишонаман. Бугун дунё нигоҳидаги шаҳар нуфузли халқаро йиғинлар маркази бўлиб турибди. Илму маърифат майдони сифатида қўрилмоқда.

Президентимиз Самарқандга ўзгача меҳр ва эътибор билан қарамоқда. Унинг қадим шонини, номини тиклаш борасида муҳим қадамлар ташланмоқда. Бу ҳар бир самарқандликда чекисиз меҳр, миннатдорлик уйғотмоқда. Масъулият ҳиссини, дахлдорлик туйғусини мустаҳкамламоқда. Шаҳримиз мустақилликнинг ўтган 31 йили давомида бунчалик упулланмаган эди. Бу ердаги бунёдкорликлар менга Мирзо Улугбек даврини эслатади.

Юртимизга қадим шон-шухрат қайтгани рост бўлсин. Халқимизга янги Самарқанд муборак бўлсин. Унутманг, бу бизнинг Ватанимиз, унга қўйилган ҳар бир гишт келажак авлодларга ҳам хизмат қилиши керак.

ТАРИХ ВА БУГУН

ВОДИЙНИНГ ОЛМОС КАМАРИ ЁХУД АФСОНАГА АЙЛАНГАН МАТОНАТ

Бу воқеага 83 йил бўлди. 1939 йил 15 сентябрь куни ўзбек халқининг бемисл матонати тимсоли — Катта Фарғона канали қурилиши якунланди. Бу, тарих саҳифаларида жуда улкан воқеа сифатида муҳрланиб қолди. Ўша олис йилларда ҳозирги техник имкониятлар тушга ҳам қирмаган. Қисқа муддатда, лекин жуда катта узунлиқтаги канал оддий кетмон ва белкуракларда қазилиб, тоннала тупроқ юқорига замбилларда ташилгани айтишга осон. Аслида бу катта қахрамонлик, жасорат эди. Унда иштирок этган бобомоларимиз бугун орамизда деярли қолмаган бўлса-да, уларнинг машаққатли, аммо кўтаринки руҳдаги матонатли меҳнати ҳануз тилларда достон.



Ўшанда канал туфайли нафақат Фарғона водийси, балки қўшни Тожикистон ва Қирғизистон ҳудудларидаги 350 минг гектар ер сув билан таъминланди. Шунчаки канал қазилмасди, сув йўли бўйлаб 70 дан зиёд кўприк ва гидротехник иншоотлар ҳам қўрилди, янги қишлоқлар пайдо бўлди, минг-минглаб гектар ерларнинг мелiorатив ҳолати яхшиланди. Пахта, галла ҳосилдорлиги ортди. Фарғона боғлари кенгайди.

— Ҳақиқатан, мазкур канал аср мўъжизаси, — дейди Катта Фарғона магистрал канали бошқармаси бошлиғи Алишер Тожиалиев. — Халқ иштинроқида 45 кунда умумий узунлиги 270 километр бўлган сув иншооти қурилиши 1 август куни бошланиб, 15 сентябрь куни поёнига етди. Меҳнаткаш халқимизнинг бу иншоот қурилишига азалдан иштиёқи баланд бўлган. Марказий Фарғона ерлари қияли текисликлардан иборат бўлиб, канални қазийда мутахассислар Шарқдан Ғарбга томон сувнинг нишаблигини аниқ ҳисобга олган. Қизғиғи шундаки, ҳаммиса лойқа оқадиган сув шу пайтга қадар канални тўлдириб қўйган эмас. Канал ўзини ўзи тозалаш оқайди.

Лойиҳа “Сазгипровод” трести қидирув жамоаси муҳандислари томонидан ишланган бўлса-да, маҳаллий миробларнинг тажрибасига суянилган. Чунки Қорадарё ва Норин дарёсининг асос тўқилларини жиловлашни мироблар яхши билган. Денгиз сатҳидан 500 метр бандликда жойлашган каналнинг оқиш тезлиги секундига 180 кубометрни ташкил этади. Ҳар минг метрда сув 1,4 метрга пастлайди. Яна бир жиҳати, канал суви тоғлардан, сой ва дарёлардан тушиб мўътадил ҳолатга келади. Фойдали элементларга бойлиги сабаб экинлар ҳосилдорлигини ошириш, ернинг мелiorатив ҳолатини яхшилаш хусусиятига ҳам эга.

Канал бўйлаб 437 та гидропост, 142 та дюкер, 18 та авкёвук, 57 та транспорт кўприги, 97 та турар жой ва ишлаб чиқариш бинолари мавжуд. Канал қурилиши 60 минг гектардан ортиқ қўриқ ва бўз ерларни ўзлаштириш, 45 минг гектар майдонда сув таъминотини яхшилаш имконини берди. 1940 йилга келиб биргина Фарғона вилоятида 23 минг гектар янги ерлар ўзлаштирилди.

Маълумот ўрнида айтиш кераки, “Москва-Волга” канали қурилишида бир ойда ўртача бор-йўғи бир миллион кубометр ҳажмда тупроқ ишлари амалга оширилган. Катта Фарғона канали қурувчилари кучи билан бу қўламдаги иш сажикс кунда бажарилган. Америкаликлар 1930 йили ишга туширилган Калифорния каналини тўрт йил давомида қуриб битказган. Жанубий Америка ва Шимолий Америка оралиғидаги Панама каналининг узунлиги 81 километр. Бу канал

Кўкун хонлиги даврида эса водийнинг кўриқ ерларини ўзлаштириш ва уларга сув олиб чиқиш долзарб масалалардан бири эди. Шу даврда Улуғнор канали, Асака, Олтиариқ, Сарикўрган, Марғилонсой ариқлари тизими пайдо бўлиб, хонлиқнинг ийрик шаҳар ва қишлоқларини сув билан таъминлаб турган. Ҳатто чор Россияси даврида ҳам Фарғона водийсидаги ерларни сунъий сув тизими воситасида сугориб туриш аъёнасидан воз кечилмаган. Маҳаллий мироблар ва рус муҳандислари ҳамкорлигида ўнлаб янги сув иншоотлари бунёд этилган.

Катта Фарғона магистрал канали бошқармасида афсонавий куч-қудрат тимсоли бўлган, сув тармоғи бунёд этиш тарихини ўз ичига олган музей фаолият кўрсатмоқда. Унинг экспонатларида канал қурилиши тарихи, ҳашар қатнашчилари жонбозлигини кўрсатиб туривчи иш қуроллари, суратли лавҳаларга алоҳида ўрин ажратилган. Бу ерда бўлган киши халқ ҳашари билан боғлиқ, йиллар силсиласида тобланган меҳнаткаш кишиларнинг ҳаёт тарзи, кундалик иш амаллари ҳақида ёрқин ва ишончли маълумотларга эга бўлади.

Бобомнинг ҳикояси

Катта Фарғона канали қурилишига забардаст кишилар, пахлавонсифат, рақибига белини бермаган полвонлар ҳам жалб этилган. Улар сафида эл орасида Жалол полвон номи билан шухрат топган бобом ҳам бўлган экан. Айтишларича, полвонлардан ташкил топган ишчилар оғир ва мураккаб участкаларда басма-басига меҳнат қилган. Улар ўзларига берилган вазифаларни бекаму кўст адо этиб, катта ҳурмат, иззат-иқром топган.

— Усон Юсупов билан қўл олиб қўришганман. Келбатли киши эди. Қўлини елкамга қўйиб, ашанг полвон, меҳнатингизни албатта тақдирлейми деган, — дея канал ҳақидаги ҳикоясини кўп такрорларди бобом. — Ўша кунга бир кўтаришда тўрт қоп кумини елкамга олиб, дам олмасдан қўқуриқдан тепага олиб чиқиб ташлаганман... Кечда Тамираҳоним ва бошқа машурлар келиб концерт берган. Тумонат одам. Давра яланиб хиром айлаётган Тамираҳоним югура келиб белбоғимга тиз чўқди, патила сочларини белбоғимга соч-

Тарихга назар

Фарғона водийсида деҳқончилик маданияти қадимдан шаклланган. XIX аср охири ва XX аср бошларида, Кўкун хонлиги даврида Улуғнор канали бунёд этилган. Марказий Фарғона чўлларини сугорган Хонарик канали ҳудуд сув таъминотида ҳануз етакчи ўринни эгаллайди.

— Милоддан аввалги икки минг йиллар урталаридаёқ шимо-



лий Фарғонада, кейинчалик бутун водий ҳудудида сугорма деҳқончилик асосланган масканлар пайдо бўлган, — дейди Катта Фарғона магистрал канали таъмирлаш ишларини ташкил этиш, гидротехник иншоотлардан фойдаланиш сектори бош гидротехниги Ҳасанбой Тўйчиев. — Булар асосан Ғовасой, Косонсой, Норин, Қорадарё, Окбўйра, Исфайрамсой, Шохимардонсой, Сўх, Исфара дарёлари қирғоқлари бўйида жойлашган қишлоқлар бўлиб, уларда сунъий сув иншоотлари — ариқ, шоҳариқ ва сой қўриғидаги сугориш манбалари пайдо бўлган. Сунъий сув иншоотларини яратиш ўрта асрларда ҳам давом этган. Ҳозирги Тўрақўрган (Ахси-кент), Қува, Поп, Андижон, Асака, Марғилон ва Риштон туманлари X–XIII асрларда ўзининг сунъий сув иншоотларига эга бўлган.

ди-да, муқом айлаб туриб кетди. Ана қийқирик, мана қийқирик! Дўпимни осмонга отганман ўшанда...

Бу ҳикояни эшитганимга ҳам чорак асрдан ортиқ вақт ўтди. Аммо ўша кезларда оддий одамлар қайфияти, руҳиятини уйғотган лаҳзалар канал қурилиши суръатига қанчалик ижобий таъсир кўрсатганини илғаб олиш қийин эмас. Қандай камтар ва меҳнаткаш одамлар-а! Бола-чақаси ва уй юмушларидан олсиди, ойлаб елкасидан кетмон тушмаган, элга сув — ризқ улашган кишилар мана шу рағбатлардан куч-қувват олган, фахрланган.

Топилмалар сири

Бу иншоот нафақат сув, балки водий аҳлининг ўтмиши ҳақида қизиқarli маълумотлар бериши билан

ҳам катта аҳамиятга эга. Канал қазил ишлари бошланган биринчи кунлардан оқ археологлар хизмати-га эҳтиёж туғилади. Шу боис, ўша вақтда Фанлар кўмитасининг доимий ҳаракатдаги экспедицияи шакллантирилади. Экспедиция уч бўлинмага бўлинган ҳолда, каналнинг улкан ҳудуди бўйлаб қазилма ва тадқиқотлар олиб борган.

— Топилмалар миқдори чақмоқ тошдан ясалган меҳнат қурол-аслаҳаларидан тортиб, XIX асрларга оид буюмларни ҳам қамраб олган, — дейди Фарғона вилоят туризм ва маданий мерос бош бошқармаси матбуот котиби Баҳодиржон Ҳошимов. — Археологик қузатувлар натижасида аниқланган энг кўп ёдгорликлар миллодий VIII–X асрларга тўғри келади. Улар орасида Фарғонада ҳозиргача кам учрайдиган бронзадан ясалган қадимий қозон, найза ва ўқ учлари, заргарлик буюмлари катта қизиқиш уйғотади. Милоддан аввалги 1-минг йилликнинг иккинчи ярмига оид ёдгорликлар мажмуаси тўлиқ ўрганиб чиқилган. Бу давр маданиятига оид бир қанча манзилгоҳлар аниқланган. Миллодий эра бошларида мансуб сопол идишлар, олий сифатли ва қизил рангли сопол буюмлар, шунингдек, ўша даврдаги қабрлардан Хитой услубидаги тўртбурчак тешикли, қўриғида Урта Осиё ҳудудида мансуб мина танга булақлари ҳам топилган. Канал трассаси бўйлаб топилган тангалар қарийб 2200 йиллик даврни ўз ичига олган ва бир неча юзлаб буюмлардан иборат нумизматик коллекциялардан иборат.

Қузатишлар натижаси Фарғона мураккаб сугориш тизими икки минг йил аввал яратилган, деган ҳулосани беради. Экспедиция Фарғона шаҳар марказида миллодий эра бошларида мансуб қуллоқчилик буюмлар ва уй-жой харобаларини аниқлаган. Катта Фарғона канали ўзбек халқининг салкам 3 минг йиллик тарихга оид манбаларини очиб берди. Ушбу топилмаларнинг ақсарияти айни кунда Ўзбекистон тарихи давлат музейи фондларида сақланмоқда.

Замон билан ҳамнафас

Мустақиллик йилларида Катта Фарғона магистрал каналда сув таъминотини янада яхшилаш, исрофгарчиликларга йўл қўймасликка алоҳида эътибор қаратилмоқда. Шу мақсадда Сўх дарёсидан сув сийғими 15 м³/соат бўлган Сўх-Катта Фарғона канали, Жанубий Фарғона каналдан Ёзёвонсой орқали сув сийғими 20 м³/соат бўлган “Мустақилликнинг 10 йиллиги” канали ишга туширилди. Натижанда 252 минг гектардан ортиқ майдонни сув билан таъминлаш имконияти янада яхшиланди. Шунингдек, Катта Фарғона каналдан Катта Андижон каналига сув ташлови янги иншоот қурилди.

— Барча сув тақсимлаш гидро-участкаларида 207 та “Ақли сув” ҳисоблагичлар ўрнатилди, — дейди Катта Фарғона магистрал канали бошқарма бошлиғининг ўринбосари Абдурашид Муродов. — Янги тармоқ сув тақсимоти инсон омилиси, шаффофлик ва очиқликка асосланган. Сувни исроф қилиш, бемақсад фойдаланиш билан боғлиқ ҳолатларга чек қўйилди. Дунё тажрибасида денгиз ва океанларни ўзига бўйсундириб, сув олиб келган қўлпаб лойиҳалар бор. Бироқ дарё тўқинларини занжирбанд қилиб, энг узун канал қурган халқимиз матонатини ҳеч нарса билан қийсаб бўлмайд.

Бугун ҳам Шарқдан Ғарбга қараб муттасил оқаётган обиҳаёт боғу роғлар ва экинзорларга янги ҳаёт бағишламоқда. Шу билан бирга, йиллар, асрлар давомида аждодларимиз матонатини, афсонадек қуримган, аммо асл ҳақиқатини дунёга кўз-кўз қилаётгандек тасаввур уйғотади.

Расулжон КАМОЛОВ, “Янги Ўзбекистон” муҳбири.

Шерзод Қорабоев олган сураатлар.

“Янги Ўзбекистон” ва “Правда Востока” газеталари таҳририяти” ДУК

МУАССИС:
Ўзбекистон Республикаси
Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир:

Салим ДОНИЁРОВ

Девонхона: (0-371) 233-70-98 Котибият: (0-371) 233-56-60 Ўзловнар: (0-371) 233-57-15 E-mail: info@yuz.uz

Таҳририятга келган қўлхатлар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди. Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар. Газета таҳририят компьютер марказида саҳифаланди. Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига “ШАРҚ” НМАК масъул. Босмахона телефони: (71) 233-11-07

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридagi Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан 2020 йил 13 январда 1047-рақам билан рўйхатга олинган.

Нашр индекси — 236. Буюртма Г-964. 81594 нусхада босилди. Ҳажми — 3 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А2. Баҳоси келишилган нарҳда.

“ШАРҚ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди. Босмахона манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Навбатчи муҳаррир: Лутфулла Сувонов
Мусаҳҳих: Умаржон Қодиров
Дизайнер: Хуршид Абдуллаев

Манзилимиз:
100029, Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй

Ўза яқуни — 21:40 Топширилди — 22:35